

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ**

Химояга тавсия этилди
Кафедра мудири:_____
и.ф.д., профессор Уразов К.Б.

Абдивасиев Зухриддин

5А230902 – “Аудит” (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси)
мутахасислиги бўйича

**“ИЧКИ АУДИТНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(“Samarqand Avtotexxizmat” АЖ материаллари асосида)”
мавзусидаги

МАГИСТИРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбари: и.ф.д., доцент Мусаев X.Н.

САМАРҚАНД – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-боб. АВТОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТ- ЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг хусусиятлари.....	9
1.2. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички ва ташқи аудитнинг мазмуни ва ташкил қилиш асослари.....	14
1.3. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг вазифалари ва объектлари.....	22
II-боб. АВТОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТ- ЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ЎТКАЗИЛИШ УСЛУБИЯТИ.....	30
2.1. Ички аудитнинг режаси ва уни такомиллаштириш.....	30
2.2. Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг активлари ва мажбуриятлари ички аудити услубияти.....	34
2.3. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда молиявий натижаларнинг ички аудити.....	40
2.4. Молиявий ҳисботнинг ички аудити.....	44
III-боб. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ТАШКИ АУДИТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЬСИРИ ВА ТАКОМИЛЛАШ- ТИРИЛИШI.....	48
3.1. Ички аудитнинг ташқи аудит объектларини белгилашда тутган ўрни.....	48
3.2. Ички аудитнинг ташқи аудит самарадорлигига таъсири.....	56
3.3. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш йўллари.....	59
IV-боб. АВТОСЕВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТ- ЛАРДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАМИН- ЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	62
ХУЛОСА.....	67
ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	71
ИЛОВАЛАР.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республика мизда ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу ҳақида, Президентимиз шундай деган эдилар: “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қиласар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга асосларимиз бор.

Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашdir.

Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёsat бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади”.¹

Миллий иктисодиёт таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнес жадал ривожланиб бормоқда. Уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) даги улуши ошиб бормоқда. Буни 2016 йилда эришилган натижалардан ҳам кўриш мумкин: ҳисбот йилида ЯИМ ўтган йилдагига нисбатан 7,8 фоизга ошиди, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 55 фоизни, кичик бизнеснинг ҳиссаси эса 56,9 фоизни ташкил қилди.² Мамлакат иктисодий-ижтимоий ривожланишини янги босқичга кўтаришга қаратиллган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди ва яқин келажакда амалга ошириладиган вазифалар белгиланди. Ушбу вазифалар таркибида макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иктисодий ўсиш суръатини сақлаб қолиш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иктисодиётнинг

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлмоғи керак/ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи. – “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларига бағишланган 2017 йил 14 январдаги мажлиси тўғрисида ахборот. – “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь.

етакчи тармоқларини модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилган.³

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Бугунги кунда хизматларнинг турлари кўпайиб, уларнинг ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Бундай ижобий натижаларни юридик ва жисмоний шахсларга автосервис хизматларини кўрсатиш соҳасида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд шаҳридаги Спитамен кўчасида жойлашган (157-үй) «Samarqand Avtotexxizmat» акциядорлик жамияти ўз уставига эга бўлиб, юридик шахс сифатида фаолият олиб бормоқда.⁴ Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Ушбу корхонанинг активлари 2015 йилнинг охирида 7921335,0 минг сўм бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йил охирида 8118685,0 минг сўмни ташкил қилди ёки 102,5 фоизга ошган. Корхона ҳисобот йилда хизматларни сотишдан 4382264,0 минг сўм фойда олган. Йиллик соф фойдаси эса 1169689,0 минг сўм бўлган. «Samarqand Avtotexxizmat» акциядорлик жамиятида алоҳида бухгалтерия ҳисоби хизмати, ички аудиторлик хизмати бўлимлари мавжуд. Корхонада содир бўлаётган барча жараёнлар бухгалтерия ҳисоби орқали расмийлаштирилиб борилади, счётларда акс эттирилади ва ҳисобот шаклида умумлаштирилади. Акциядорлик жамияти фаолияти натижалари ички ва ташқи аудиторлик назоратидан ўтказилиб борилмоқда.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ички аудиторлик хизматини ташкил қилиш ва ўтказища айрим камчиликлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Ушбу магистрлик диссертацияси автосервис хизматини кўрсатувчи корхоналарда ички ва ташқи аудит масалалари, уларнинг бир-биридан фарқи,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг: “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февраль (ПФ-4947-сон).

⁴ “Samarqand Avtotexxizmat” акционерлик жамияти 2017 йил 17 январдан бошлаб масъулияти чекланган жамият шаклига айлантирилди. Магистрлик диссертациясида маълумотлар 2017 йил 1 январь ҳолатига олинган.

ички аудитнинг ташқи аудит самарадорлигини оширишда тутган ўрни, ички аудитни янада такомиллаштириш масалаларига бағишенгандан.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, ички ва ташқи аудит масалалари республикамиз олимлари А.А.Каримов, З.Маматов, Ш.Файзиев Б.А.Ҳасанов, М.М.Тўлаходжаева, Р.А.Абдуллаев, К.Б.Уразов, Ҳ.Н.Мусаев, М.Қ.Пардаев, С.Н.Тошназаров, Д.Р.Рофеев, Н.У.Худойбердиев ва бошқаларнинг илмий ишлари ва ўқув адабиётларида ўз ифодасини топган. Лекин, ушбу хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ички ва ташқи аудит хусусиятлари тўлиқ ёритилмаган.

Диссертация ишининг мақсади. Ишнинг мақсади автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг ташкил қилиниши, ва ўтказилишини тадқиқ қилиш натижасида уни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Диссертация ишида қўйидаги вазифалар кўзда тутилди:

- автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- ички аудитнинг вазифаларини белгилаш;
- сервис хизматларини кўрсатувчи корхоналар кўрсаткичларини яқиндан ўрганиш;
- автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудит объектларини аниқлаш;
- ички ва ташқи аудитнинг ўзаро ўхшашликлари ва фарқларини асослаш;
- автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналар асосий кўрсаткичларининг ички аудити услугиёти билан танишиш;

- ички аудиторлик хизматларининг ташқи аудитни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини оширишда тутган ўрнини илмий жиҳатдан асослаш;
- ички аудитни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Ишнинг объекти. Магистрлик диссертациясининг объекти Самарқанд шаҳридаги «Samarqand Avtotexxizmat» акциядорлик жамияти фаолиятидаги жараёнлар, уларнинг ҳисоби ва аудити ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Ишнинг предмети автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички ва ташқи аудитнинг бир-биридан фарқи ҳамда аудиторлик текширувларини самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий масалалари ҳисобланади.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Магистрлик диссертациясининг назарий ва методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва маърузалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари ташкил қиласди. Ишни тайёрлашда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартларидан ҳамда махсус адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот усуллари. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида илмий билиш, кузатиш, таққослаш, таҳлил қилиш, гурухлаш, ҳужжатлаштириш, счёtlар ва икки ёқлама ёзув, баланс, баҳолаш, инвентаризация, ҳисбот усулларидан кенг фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш натижасида илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ҳолатлар ҳимояга олиб чиқилди:

- автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолияти хусусиятлари, уларда содир бўладиган жараёнлар ички аудит объекти сифатида асосланганлиги;

- автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ички аудитни ташкил қилишни янада яхшилашга қаратилган таклифларнинг ишлаб чиқилиши;
- ички ва ташқи аудитнинг ўзаро ўхшашликлари ва фарқларининг асосланганлиги;
- автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ички аудит вазифаларининг кенгайтирилганлиги;
- ичкийи аудит режасини такомиллаштиришга қаратилган таклифларнинг асосланганлиги;
- автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда активлар, мажбуриятлар ва молиявий натижаларнинг ички аудити услубиятини янада яхшилашга қаратилган тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги;
- ички аудитнинг ташқи аудиторлик текширувлари самарадорлигига таъсирининг илмий жиҳатдан асосланганлиги.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Магистрлик иши, унинг натижалари илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ишдаги илмий хуносалар “Аудит” “Ички аудит”, “Амалий аудит” фанларини ўрганишда фойдаланилади. Амалий таклифлар ва тавсиялар эса автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ички ва ташқи аудитни ташкил қилиш ва ўтказишка қўлланилиши мумкин.

Тадқидот натижаларининг синовдан ўтганлиги. Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича қўйидаги Республика илмий-амалий конференцияларида иштирок этилди: “Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожланиш тенденцияси ва истиқболлари” (Самарқанд, СамИСИ, 2016 йил 19-20 февраль), “Иқтисодиётдаги чукур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг долзарб муомолари” (Самарқанд, СамИСИ, 2016 йил 20-21 май), “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари” (Самарқанд, СамИСИ, 2017 йил 24-25 февраль).

Натижалларнинг эълон қилинганлиги. Диссертацияси мавзуси бўйича қўйидаги илмий мақолалар юқорида келтирилган конференцияларнинг тўпламларида чоп этилди (ҳаммуалифликда): “Корхоналарда ички аудитнинг назарий ва методологик масалалар” – СамИСИ, 2016, 0,4 б.т., “Ички аудитнинг хусусиятлари, объектлари ва ташкил этилиши” – СамИСИ, 2016, 0,3 б.т., “Ички ва ташқи аудитнинг хусусиятлари ва текшириш самарадорлигига таъсири” – СамИСИ, 2017, 0,3 б.т.

Магистрлик диссертациясининг таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалардан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари ифодаланилган. Биринчи бобда автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ички аудитни ташкил қилишининг назарий масалалари келтирилган. Иккинчи бобда автосервис хизматлатини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ўтказиш услубиёти масалалари ўз аксини топган. Учинчи боб ички аудит хизматининг ташқи аудит самарадорлигига таъсири ва такомиллаштирилиши ёритилган. Тўртинчи бобда автосервис хизматлатини кўрсатувчи корхоналарда ҳайт хавфсизлигини таъминлаш масалалари ифодаланган. Иш якунида автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ички аудитни ташкил этиш, ўтказиш ва самарадорлини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар умумлаштирилган. Диссертация **75** бетдан иборат бўлиб, унинг таркибида 3 жадвал ва 4 чизма мавжуд. Ишда фойдаланилган меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, интирнет сайтлари ва тадқиқот мавзусига тегишли бўлган иловалар келтирилганган.

**I-боб.АВТОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КҮРСАТУВЧИ
СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**1.1. Автосервис хизматларини күрсатувчи субъектлар
фаолиятининг хусусиятлари**

Миллий иқтисодиёт таркибида хизмат күрсатиш ва сервис соҳаси мухим аҳамиятга эга. Ушбу соҳа корхоналари томонидан аҳолига турли йўналишлар бўйича хизматлар күрсатилиб келинмоқда. Республикаизда хизмат күрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш устувор вазифалардан қилиб белгиланган ва ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулати (ЯИМ) таркибидаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда (1- жадвал).

1-жадвал

**Хизмат күрсатиш ва сервис соҳасининг 2005-2016 йилларда мамлакат
ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси (фоизда)⁵**

Кўрсаткичлар	2005 й.	2010 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Мамлакат ЯИМ	100	100	100	100	100
Хизмат күрсатиш ва сервис соҳасининг ҳиссаи	38,4	49,0	54,0	54,5	55,0

Маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида 2005-2016 йиллар давомида хизмат күрсатиш ва сервис соҳасининг ҳиссаси 143,2 фоизга ошган. Кейинги йилларда хизматлар кўрсатишнинг янги турлари барпо этилмоқда ва ривожланиб бормоқда. Буларга алоқа хизматлари, дилерлик ва брокерлик хизматлари, автосервис хизматлари, маркетинг хизматлари ва аудиторлик хизматларини келтириш мумкин. Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигининг ошиши туфайли оиласалардаги шахсий автомобилларнинг сони ҳам ошмоқда. Натижада, уларга

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

автосервис хизматларини кўрсатиш ҳам ривожланмоқда. Самарқанд шаҳридаги Спитамен кўчасида жойлашган (157-уй) «Samarqand Avtotexxizmat» акциядорлик жамияти ўз уставига эга бўлиб, юридик шахс сифатида фаолият юритмоқда. Корхонанинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат⁶:

- автомобиллар савдосини амалга ошириш, ушбу соҳада савдовоситачилик, диллерлик фаолиятларини олиб бориш;
- республика ҳудудидаги енгил автомобиллар, микроавтобуслар, ёпиқ (фургонли) автомобиллар, юк автомобилларига эҳтиёт қисмларни сотиш, уларни ўрнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларига техник хизматлар кўрсатиш;
- автомобилларни таъмирлаш;
- автомобилларга техник хизматлар кўрсатиш бўйича маҳсус курсларни очиш ва мутахасисликка ўқитиш;
- техник ишлаб чиқаришга мўлжалланган фаолиятни олиб бориш;
- автотранспорт хизматларини кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;
- қонунда белгиланган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

Корхона даставвал очиқ аксиядорлик жамияти шаклида жамоа мулкига асосланган эди. Ушбу аксиядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси “ЎЗАВТОТЕХХИЗМАТ” очиқ аксиядорлик жамиятига қарайди. Ҳозиргаи кунда, республикамизда ушбу соҳада бошқарув тизими ўзгариб, корпаратив бошқарув тизимига ўтмоқда. Самарқанддаги «Samarqand Avtotexxizmat» АЖ нинг устав капитали юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаклланган. Устав капитали ҳажми 2017 йил 1 январь ҳолатига 586450,0 минг сўмни ташкил қилган. Корхонанинг активлари ва уларнинг манбалари қўйида

⁶ “Samarqand Avtotexxizmat” АЖнинг устави, 2010 йил 9 ноябрда рўйхатга олинган, 2017 йил 17 январда эса қайта рўйхатга олиниб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.

келтирилди (2-жадвал). Аксиядорлик жамиятининг 2016 йилнинг охиридаги барча активлари 8118685,0 минг сўм бўлган. Ушбу қўрсаткич йил бошида эса 8030172,0 минг сўмни ташкил қилган ёки 101,2 фоизга ошган. Корхона активларининг ошганлигини ижобий натижа деб ҳисоблаш мумкин.

2-жадвал

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖ нинг 2016 йилдаги активлари ва уларнинг манбалари тўғрисидаги маълумот⁷

(минг сўм)

№	Корхона активлари ва уларнинг манбалари	2016 йил бошига	2016 йил охирига	Фарқи (+,-)
1.	Узок муддатли активлар	5029969,0	5615943,0	+585947,0
2.	Жорий активлари	3000203,0	2502742,0	-497461,0
	Жами:	8030172,0	8118685,0	+88513,0
3.	Ўз маблағлари манбалари	7654087,0	7704754,0	+50667,7
4.	Мажбуриятлар	376085,0	413931,0	+37864,0
	Жами:	80,0172,0	8118685,0	+88513,0

Аксиядорлик жамиятининг активлари таркибида жорий активларнинг ҳиссаси 2016 йил охирида 30,8 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу қўрсаткич йил бошида эса 37,4 фоизга тенг бўлган ёки 497461,0 минг сўмга камайган. Корхонанинг мажбуриятлари йил бошидагига нисбатан 37864,0 минг сўмга кўпайган. Акционерлик жамиятининг 2013-2014 йиллардаги асосий молиявий натижалари куйидагича бўлган (3-жадвал).

Таҳлил натижалари шуни қўрсатадики, «Samarqand Avtotexxizmat» аксиядорлик жамияти 2014 йилда 2200799,0 минг сўм соф фойда олган. Бу асосан маҳсулот сотишдан олинган фойдадан (141077,0 минг сўм) иборат бўлган. Корхонанинг давр харажатлари 1477602,0 минг сўмга кўпайган,

⁷ Аксиядорлик жамиятининг 2014 йилдаги бухгалтерия баланси маълумотларига асосан тузилди.

фойда солиги 3173,0 минг сўмга, фойдадан бошқа солиқлар эса 21435,0 минг сўмга камайган.

3-жадвал

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖ нинг 2013-2014 йиллардаги молиявий натижалари тўғрисида маълумот

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	Фарқи (+,-)
1	Махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан соф тушум	7258371,0	9880358,0	+2621987,0
2	Сотилган махсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннаҳри	2353795,0	3560705,0	+1206910,0
3	Махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан ялпи фойда	4904576,0	6319653,0	+1410770,0
4	Давр харажатлари	2212065,0	3689667,0	+1477602,0
5	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	176335,0	50039,0	-126296,0
6	Асосий фаолиятнинг фойдаси	2868846,0	2680025,0	-188821,0
7	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	84171,0	81852,0	-2319,0
8	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	12448,0	63895,0	+51447,0
9	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси(зарари)	2940569,0	2697982,0	-242587,0
10	Фойда солиги	315719,0	312546,0	-3173,0
11	Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар	206072,0	184637,0	-21435,0
12	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	2418778,0	2200799,0	-217979,0

Корхонанинг ҳисобот йилидаги соф фойдаси ўтган йили билан солиширилганда 217979,0 минг сўмга камайганлигини кўриш мумкин. «Samarqand Avtotexxizmat» АЖда соф фойданинг кўпайиши ушбу корхона фаолиятини янада ривожлантириш имкониятларини оширади, корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнат натижалари моддий жиҳатдан қўпроқ рағбатлантирилади. Кейинги йилларда корхонанинг фаолиятида маълум

ўзгаришлар содир бўлган, 2015-2016 йиллардаги молиявий кўрсаткичлари кўйида келтирилди (4-жадвал):

4-жадвал

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖ нинг 2015-2016 йиллардаги молиявий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	Фарқи (+,-)
1	Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан соф тушум	11196221,0	8557040,0	-2639181,0
2	Сотилган маҳсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннари	4553021,0	4174776,0	-378245,0
3	Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан ялпи фойда	6643200,0	4382264,0	-2260936,0
4	Давр харажатлари	4095406,0	3386494,0	-708912,0
5	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	124133,0	492244,0	+368111,0
6	Асосий фаолиятининг фойдаси	2671927,0	1488014,0	-1183913,0
7	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	61714,0	39418,0	-22296,0
8	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	57873,0	94789,0	+36916,0
9	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси(зарари)	2675768,0	14326430,0	-1243125,0
10	Фойда солиги	288776,0	161242,0	-127534,0
11	Фойдадан бошқа солик ва йиғимлар	186090,0	101712,0	-84378,0
12	Хисобот даврининг соф фойдаси	2200902,0	1169689,0	-1031213,0

Тадқиқот натижаларидан маълум бўладики, корхонанинг аксарият кўрсаткичлари камайган. Жумладан, 2015 йилда маҳсулот(хизмат)ларни сотишдан олинган фойдаси 6643200,0 минг сўм бўлган бўлса, 2016 йилда эса ушбу кўрсаткич 4382264,0 минг сўмни ташкил қилган, 2016 йилнинг соф фойдаси 1169689,0 минг сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2015 йилда

2200799,0 минг сўм эди, яъни 103121,0 минг сўмга камайган. Бунинг асосий сабаби автомобилларни сотиш билан боғлиқ хизматларнинг ҳажми ҳисобот йилида сезиларли даражада камайган. Акциядорлик жамияти ўзининг фаолиятини янада кенгайтириши, биринчи навбатда мижозларга хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириши, уставда белгиланган бошқа фаолият турларини ҳам олиб бориши керак. Корхона уставида кимошди савдоларини ташкил қилиш, кўчмас мулк ишлари (операциялари) билан шуғулланиш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш, шу каби бошқа фаолиятлар кўзда тутилган. Амалда эса, асосан юридик ва жисмоний шахсларга автомобиллар сотиш, уларни таъмирлаш билан шуғулланиб келмоқда, холос. Сервис хизмати ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ушбу жамиятнинг даромадлари ва фойдасини оширишнинг асосий омили ҳисобланади.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш ҳажми, даромадлари, бошқа турдаги харажатлари бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг муҳим обьектларига киради. Ушбу кўрсаткичларнинг ички назорати, асосан корхона бухгалтерия ҳисоби хизмати ва ички аудит бўлими ходимлари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

1.2. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички ва ташқи аудитнинг мазмуни ва ташкил қилиш асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида унга хос бўлган янги инфратузилмалар вужудга келди. Шулардан бири аудит ва аудиторлик фаолиятидир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аудит узоқ даврлардан бери мавжуд бўлиб, бу тушунча турлича ёритилиб келинди. Мисол учун, Англияда аудит деганда иқтисодий субъектларнинг молиявий ҳисботларини текшириш ва бу тўғрисида аудитор томонидан ўзининг мустақил фикрини билдириши тушинилган. Бухгалтерия ҳисоби бўйича Америка

ассоциациясининг фикрича аудит иқтисодий воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги объектив маълумотларни тўплаш ва баҳолаш тизими деб қаралган. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда ва аудиторлик фаолияти миллий стандартлари қоидаларида келтирилганидек, “Аудит муайян ваколатлар берилган шахслар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисботларининг тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий хўжалик жараёнларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа меъёрий ҳижжатларга қай даражада мувофиқлигини, мукаммаллигини ва асосланганлигини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботлар юритишга қўйиладиган талабларга ҳамда ўзга ҳужжатлар талабларига тўғри келишлигини аниқлаш мақсадида ўtkазиладиган текшириш” деб эътироф эътилган.⁸ Аудит, шунингдек мижоз билан тузилган шартнома асосида қўрсатиладиган хизматларни ҳам ўз ичига олади. Аудитни аудиторлик фаолияти билан шуғилланишга ҳукуқи бўлган мутахассис ўтказади. Шундай қилиб, аудит - бу корхона молиявий ҳисботларининг тўлиқ ва аниқ тузулганлигини текшириш ҳисобланади.

Аудиторлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у хўжалик субъектларнинг молиявий ҳисботларини, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларни мустақил текширишга қаратилган фаолиятдан иборат. Бундан ташқари аудит орқали яна қуйидаги фаолиятлар ҳам амалга оширилади.

- корхона даромадлари тўғрисидаги декларацияларни тузиш;
- иқтисодий субъектнинг активлари ва пассивларини баҳолаш;
- молия, солиқ, банк ва бошқа хўжалик қонунчилиги бўйича маслаҳатлар бериш;
- кадрларни қайта ўқитиш.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конуни, 2000 йил 26 май (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Аудиторлик фаолиятига боғлиқ меъёрий ҳужжатларда унинг фаолиятига оид қуидаги қоидалар белгиланган:

- хўжалик субъектини эркин танлаши;
- аудитор ва мижоз ўртасидаги шартномавий муносабатлар аудиторга мижозни ўзи танлаш имкониятларини беради, яъни у давлат органларининг ҳар қандай кўрсатмаларидан мустақил бўлиши;
- аниқланган камчиликларнинг бартараф қилинишига эришиш;
- мижоз билан қариндошлиқ ва бошқа муносабатларда бўлмаслик;
- аудиторларга ва аудиторлик фирмаларига факат қонунда белгиланган фаолият билан шуғилланишга рухсат берилади.

Аудитнинг мақсади – қонун орқали белгиланган аниқ вазифаларни бажариш, аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш, мижоз ва аудитор ўртасидаги шартномавий мажбуриятларни бажаришдан иборат. Аудит жараёнида хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботлари, уларнинг ҳақиқийлиги аниқланади ва улар тамонидан амалга оширилган молиявий – хўжалик операцияларининг меъёрий ҳужжатларига мос келиши текширилади. Аудитор молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини қуидаги тартибда текширади:

- ҳисоботларнинг тўғрилиги ёки ноаниқлигини аниқлаш;
- корхона даромадлари, харажатлари ва молиявий натижаларини текшириш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишни тартибга соловчи қоидаларга амал қилинганлигини, шунингдек активлар, мажбуриятлар ва ўз капиталини баҳолаш усулларига риоя қилишини назорат қилиш;
- ўзининг асосий ва айланма маблағларини, молиявий заҳираларини ҳамда қарз маблағларини ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар бериш.

Аудиторнинг вазифалари – баланснинг, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботининг тўғри тузилганлиги ҳамда тушунтириш хатларида маълумотларининг аниқлигини аудиторлик текширувчи орқали ёритишдан иборатdir.

Аудитор бунда қуидагиларга эътибор бериши керак:

- ҳисоботда барча активлар ва пассивларнинг тўғри акс этирилганига ;
- ҳисоботдаги барча маълумотларнинг асослилигига;
- мулкларнинг тўғри баҳолангандигига эътибор бериш лозим.


Аудитор асосий мақсадга эришиш ва хулоса бериш учун қуидагиларни текширади:

- ҳисоботнинг жорий ҳисоб маълумотларига мос келиши, корхона олдига қўйилган вазифаларининг тўғри бажарилиши;
- маълумотларнинг ҳисботларга киритиш учун асоснинг мавжудлиги;
- барча активлар ва пассивларнинг ушбу корхонага тегишлилиги;
- барча маблағларнинг тўғри баҳолангандигига;
- молиявий ҳисботга барча кўрсаткичларни тўлиқ киритилгандигига эътибор берилади.

Тадқиқот натижаларини шуни кўрсатадики, меъёрий ҳужжатлар, маҳсус адабиётлар ва илмий ишларда аудит, аудиторлик фаолияти ва аудиторлик текширувлари турлича ифодаланган. Ушбу масала бўйича, биз олдинги ишларимизда ўз муносабатларимизни билдирган эдик.⁹

Аудиторлик фаолияти ўз ичига аудиторлик текширувлари ва аудиторлик хизматларини олади (1-чизма):

⁹ Мусаев Ҳ.Н., Абдивасиев З. Корхоналарда ички аудитнинг назарий ва методологик масалалари. Республика илмий-амалий конфирнция материаллари: “Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожланиш тенденцияси ва истиқболлари”. - Самарқанд, СамИСИ, 2016 йил 19-20 феврал, IV кисм, 222-226 бетлар.



1-чизма. Аудиторлик фаолиятининг мазмуни

Аудиторлик текширувлари, ўз навбатида, икки шаклда ўтказилади (2-чизма). Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик шакллари буюртмачилари, текшириш объектлари, мақсад ва қўйилган вазифаларига қараб бирғбиридан фарқ қиласди. Ушбу аудиторлик текширувлари буюртмачилари ҳам турлича бўлади.



2-чизма. Аудиторлик текширувларини ўтказиш шакллари

Меъёрий хужжатларда мажбурий ва ташаббус тарзида ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг аниқ объектлари келтирилган. Аудит турлари ўзининг ривожланиш босқичларига қараб ҳам таснифланади¹⁰ (3-чизма):



3-чизма. Аудитнинг ривожланиш босқичи бўйича таснифланиши

¹⁰ Дўстмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003, 10-б.

Аудит турлари уларнинг объектларига қараб фарқ қиласи ва қуийдагиларга бўлинади (4-чизма):



4-чизма. Аудитнинг объектлари бўйича турлари

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, республикамида қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" ги Қонунда аудитнинг ташқи ва ички аудитга бўлиниши, улардаги ўзаро фарқлар келтирилмаган. Ушбу қонунинг янги таҳририда ушбу масалалар ўз ифодасини топиши керак деб ҳисоблаймиз.

Ички ва ташқи аудининг мазмун-моҳияти маҳсус адабиётларда турлича ифодаланган. Жумладан, проф. В.И.Подольскийнинг фикрича ички аудит корхоналарнинг раҳбарлари манфаатлари учун ўтказиладиган текширувлар бўлиб унинг асосий мақсади корхона ходимларига ўз вазифаларини самарали бошлашларига ёрдам беришдан иборат¹¹. Таникли олима проф. М.М.Тўлахўжаева "аудит - бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисботини ёки у билан баглиқ молиявий ахборотни, ҳисбот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив хужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хulosи чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир" деб таъриф беради¹². Ушбу масалада муаллифнинг фикри қўпроқ ташқи аудитга тегишлидир. Проф. К.Б.Уразов ички ва ташқи аудитнинг мазмунини қуийдагича изоҳлайди: "Ички аудит иқтисодиётнинг қуи бўгини бўлган хўжалик юрутувчи субъектларда ички назорат воситаси ҳисобланади. Ташқи

¹¹ Аудит.Учебник для вузов.Под ред. проф. В.И.Подольского .-М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2000,с.22.

¹² Тўлахўжаева М.М. Молиявий ахволнинг аудити. -Т.: "Иқтисодий ва хукуқ дунёси", 1996,94-6.

аудит давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи назардан мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган назорат воситаси ҳисобланади"¹³. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аудиторлик фаолиятига бўлган талабнинг тобора ошиб бориши натижасида ички аудит, унинг вазифалари, объектлари ва ташкил этилишига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низоми" қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ички аудитнинг мазмуни қуидагича ифодаланган: "ички аудит - корхона бошқарувининг ифода этувчи орган ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилишни текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидлари ва тамоиллари активларнинг сакланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмаларининг (ички аудит хизмати) фаолияти"¹⁴. Мазкур низом талабларига асосан активлари белгиланган мезонларга тўғри келадиган хўжалик юрутувчи субъектларда ички аудиторлик хизмати олиб борилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, корхоналарда ички аудиторлик хизматини ташкил қилиш ва ўтказиш, нисбатан қийин кечмокда. Бу масала айниқса ички аудит учун мутахассисларни тайёрлаш ва жалб қилишда маълум қийинчиликлар сезилмоқда. Корхоналарда ички аудит ходимларига корхонанинг бевосита аъзоси (ходими) сифатида қаралмоқда. Ваҳоланки, ички аудиторлик хизмати ходимлари ушбу кррхонада фаолият юритсаларда,

¹³ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳсоби ва аудит. Маъруза матинлари тўплами. II-қисм, СамИСИ,2004,139-6.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган: "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида"ги Низом, 2006 йил, 16 октябрь.

улар фақат корхона кузатув кенгашига бўйсина дилар, холос. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда ҳўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш, уларга ички аудиторлик хизматини кўрсатишга қаратилган меъёрий-услубий ҳужжатлар тўлалигича шаклланмаган. Юқорида келтирилган муоммоларни ижобий ҳал этилиши натижасида турли мулкдаги корхоналарда ички ва ташқи аудитни ташкил қилиш ва ўтказилишига тўлиқ эришилади деб ҳисоблаймиз. Корхоналарда ички ва ташқи аудитни ўтказилиш тартиби, объектлари ва уларнинг натижаларини расмийлаштириш меъёрий ҳужжатларда тўлиқ ўз аксини топмаган.

Корхоналарда ички аудиторлик хизматларини ташкил қилиш учун маълум мезонлар белгиланган. Жумладан, ички аудит бўйича штат бирлиги корхона активларининг ҳажмига қараб белгиланади. Меъёрий ҳужжатларда ички аудиторлик хизмати корхона активларининг ҳажми 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлганида ташкил қилиш мақсадга мувоффиқлиги белгиланган ва ички аудит штати қуйидаги тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган¹⁵:

- активлар 1 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмгача бўлса – корхонада камида иккита сертификатли аудитор;
- активлар 10 млрд. сўмдан 50 млрд. сўмгача бўлса - корхонада камида учта сертификатли аудитор;
- активлар 50 млрд. сўмдан ортиқ бўлса - корхонада камида тўрта сертификатли аудитор кўзда тутилган.

Корхонадаги ички аудиторлик хизматини фақат сертификатга эга бўлган мутахасислар бошқаради. «Samarqand Avtotexxizmat» АЖ да ички аудиторлик хизмати ташкил этилган. Ички аудиторлик хизмати бўлимини Овсянникова Наталя Ивановна бошқариб келмоқда (аудитор 04710-сонли сертификатга эга). Ички аудиторлик хизматининг бўлим бошлиғи 2009 йил

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тасдиқлаган: "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида"ги Низом, 2006 йил, 16 октябрь.

14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидан берилган ва 2019 йил 14 апрелгача муддати узайтирилган. Овсяннинова Н.И. билан «Samarqand Avtotexxizmat» АЖ 2015 йил 19 августда меҳнат шартномасини тузган. Ушбу корхонада ички аудит амалдаги Низом талабларига асосан тузилган “Ички аудиторнинг иш режаси” бўйича амалга оширилмоқда. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ушбу корхонада камида иккита ички аудит бўйича аудиторлар фаолият кўрсатиши керак. Чунки, акциядорлик жамиятининг 2017 йил 1 январь ҳолатидаги активлари 8118685,0 минг сўмни ташкил қиласди. Ҳақиқатда эса бир киши фаолият олиб бормоқда.

1.3. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг вазифалари ва объектлари

Республикамиз бошқарув ва назорат тизими такомиллашиб бормоқда. Корпоратив бошқарувни жорий қилиш, корхоналар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўtkазиш бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва аудиторлик фаолияти миллий стандартларида келтирилганидек, аудит муайян ваколатлар берилган шахслар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий-хўжалик жараёнларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа меъёрий хужжатларга қай даражада мувофиқлигини, мукаммаллигини ва асосланганлигини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар юритишга қўйиладиган талабларга ҳамда ўзга хужжатлар талабларига тўғри келишслигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текшириш деб эътироф эътилган.¹⁶ Аудитоклик ташкилотлари, шунингдек мижоз билан тузилган шартномалар асосида уларга маълум хизматларни ҳам

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 26 май (кейинги щзгаришилар ва қўшимчалар билан).

кўрсатади. Аудитни аудиторлик фаолияти билан шуғилланишга хуқуки бўлган мутахассис ўтказади.

Аудиторлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у хўжалик субъектларнинг молиявий ҳисоботларини, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларни мустақил равишда текширишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Шулар билан биргаликда аудиторлик ташкилотлари томонидан мижозларга аудиторлик хизматлари ҳам қўрсатилади. Аудиторлик хизматлари қўйидагилардан иборат¹⁷:

- корхоналарга бухгалтерия ҳисобини юритишда маслаҳатлар бериш;
 - корхона даромадлари тўғрисидаги декларацияларни тузиш;
 - иқтисодий субъектнинг активлари ва пассивларини тўғри баҳолашда ёрдам бериш;
 - молия, солиқ, банк ва бошқа хўжалик қонунчилиги бўйича маслаҳатлар бериш;
 - кадрларни қайта ўқитиш;
 - корхона фаолиятини аудиторлик таҳлил қилиш.
- Аудиторлик фаолиятига қўйидаги хусусиятлар хосдир:
- аудиторлик ташкилоти текшираётган хўжалик субъектини мустақил танлайди;
 - аудитор ва мижоз ўртасидаги муносабатлар аудиторлик шартномаси орқали мувофиқлаштирилади;
 - аниқланган камчиликлар аниқ асосга эга бўлиши керак;
 - аудиторлар корхона ходимлари билан қариндошлик ва бошқа муносабатларда бўлмасликлари керак;
 - аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари фақат қонун талаблари асосида фаолият олиб борадилар.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ти қонуни, 2000 йил 26 май (кейинги щзгартиришлар ва қўшимчалар билан).

Ички ва ташқи аудит амалдаги меъёрий-хукуқий хужжатларнинг талабларига асосан ўтказилади. Ички аудит, унинг мақсади ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом"да келтирилган. Ички аудиторлик хизматининг асосий вазифалари қўйидагиларга қаратилган:

- корхона кузатув кенгашини ишончли ахборотлар билан таъминлаш;
- корхона фаолиятини жорий текширувлардан ўтказиш;
- текшириш натижаларида аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклифлар бериш;
- аниқланган камчиликларнинг тезкорлик билан бартараф этилишини назорат қилиш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисботларни тузиш бўйича корхонага услубий ёрдам кўрсатиш;
- ташқи аудит натижаларида аниқланган камчиликларни корхона ходимлари билан биргаликда тугатиш;
- текширув натижалари бўйича корхона кузатув кенгашига хисбот бериш ва бошқа вазифалар.

Корхонада ташқи аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби амалдаги меъёрий хужжатларда ўз аксини топган.¹⁸ Ташқи аудит мижозларнинг буюртмаларига асосан томонлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича амалга оширилади. Ташқи аудитнинг асосий мақсади текширилайтган корхонада бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши, молиявий ҳисботнинг асослилиги ва ҳаққонийлигига баҳо беришдан иборат. Ташқи аудитнинг обьекти тузилган шартномада ўз аксини топган бўлади. Ташқи аудиторлик текшируви маълум тартибда амалга оширилади. «Samarqand Avtotexxizmat» АЖнинг 2015 йилдаги фаолияти "JAVLON

¹⁸ Мисол учун, "Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом", 2007 йил 4 апрель. Аудиторлик фаолиятининг миллӣй стандартлари.

AUDIT SERVIS” аудиторлик ташкилоти, 2016 йилдаги фаолияти эса “Komil-Ishonch” аудиторлик ташкилоти томонидан ташқи аудит ўтказилган. Аудит жараёнида корхонада юритилаётган бухгалтерия хисоби тизими, хисоб сиёсати, молиявий хисоботнинг асослилиги ва ҳаққонийлиги аниқланиб, ижобий аудиторлик хуносалари берилган. Ташқи аудит жараёнида акциядорлик жамиятида ташкил қилинган ички аудиторлик хизмати ҳам текширилган. Аудиторлик текширувларининг самарадорлиги унда қўлланилладиган усуллар(методлар)га бевосита воғлиқдир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ички ва ташқи аудитнинг методологик асослари илмий жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Ички ва ташқи аудит жараёнларида аудиторлик текширувларининг қўйидаги усулларидан кенг фойдаланилмоқда:

- хужжатлаштириш;
- баҳолаш;
- гурӯхлаш;
- инвентаризация;
- калькуляция;
- бухгалтерия баланси;
- солиштириш (таққослаш);
- счёtlар ва икки ёқлама ёзув;
- экспертиза;
- аудиторлик таҳлили;
- хисобот маълумотларидан фойдаланиш;
- бошқа усуллар.

Бизнинг фикримизча, аудиторлик текширувида қўлланилладиган усуллар аудиторлик текширувинг тури, объектлари, олдида турган вазифаларига қараб белгиланиши керак. Иқтисодий жараёнларда компьютер технологияларининг кенг қўлланилиши туфайли ички аудитнинг

компьютерлаштирилган усулларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Турли фаолиятлар билан шуғулланувчи корхоналар ички аудиторлик текширувлари қуйидагиларга қаратилган:

- корхонада бошқарув тизими ва ички назоратининг ҳолатини текшириш;
- корхона ҳисоб сиёсатининг тўғри тузилишини, унга амал қилинишини текшириш;
- мол – мулкларнинг қонунийлигини текшириш;
- бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисоби хизматини тўғри ташкил қилинишини текшириш.

Корхоналардаги ички аудит ички назоратнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунда ички назоратга қуйидагича таъриф берилган: “Ички назорат бухгалтерия ҳисоби штатида, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузища хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон – тарож қилиш йўллари ва хатоликларнинг олдини олиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизими”¹⁹ дидир. Ички аудит, корхона ички назорати шаклида ташкил этилади ва ўзига хос бўлган объектларга эга.

Ички аудитнинг вазифаларига яна қуйидагилар киради:

- ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган корхона бошқарув органига таклифлар киритиш;
- корхонадаги ҳисоб сиёсатига амал қилинишини назорат қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби объектларини тўғри расмийлаштириш ва ҳисобга олинишини таъминлаш;

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси томонидан 2016 йил 3 марта қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 31 марта маъқулланган.-“Халқ сўзи”, 2016 йил 14 апрель.

- корхона бизнес режасининг бажалишини назорат қилиш;
- бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлар талаблари бўйича олиб борилишини таъминлаш;
- молиявий ҳисботнинг жорий ҳисоб маълумотларига мослигини текшириш;
- ташқи аудиторлик текширувида аниқланган камчиликларни бартараф қилишдан иборат.

Шуни ҳам эътироф этиш кераки, ташқи аудитнинг обьекти маълум жараён ёки қўрсаткичига қаратилса (мисол учун, ҳисоб-китоб операциялари, молиявий натижалар, товар операциялари, солиқлар ва ҳоказолар), ички аудиторнинг обьектлари эса хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолиятини ўз ичига .

Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарида ички аудитнинг асосий обьектларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонада бошқарув жараёнлари ва корпаратив бошқарув тамоилларига амал қилиниши;
- корхонанинг “бизнес - режаси” ва унинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботнинг юритиш ҳолати;
- корхона молиявий – хўжалик фаолиятининг қонун ҳужжатларига мос келиши;
- ички назоратнинг юритилиши;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- корхонадаги ҳисоб – китоб жараёнлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати;
- даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар;
- корхона фаолиятидаги бошқа жараёнлар.

Юқоридаги келтирилган жараёнлар тузилган “Ички аудит режаси”га асосан ички аудит қилиб борилади. Ички аудиторлик текширувларини ўтказиш учун, даставвал корхонада бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ички назоратнинг ҳолати ўрганилади. Хўжалик юритувчи объектда бухгалтерия ҳисобининг ва ички назоратнинг тўғри ташкил этилиши ички аудит усулларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Аудитор корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг тўғри ташкил этилганлигини 31-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти билан танишув» номли аудиторлик фаолиаятиниг миллий стандарти талаблари асосида амалга оширилади. Ички аудит жараёнида қуидагилар аниқланади:

- корхонада бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниш шакли;
- хўжалик юритувчи субъектда "Ҳисоб сиёсати"нинг мавжудлиги;
- бухгалтерия ходимларига вазифаларнинг тақсимланганлиги;
- ички хужжатларнинг алоҳида китобда қайд қилинганлиги;
- қўйилган топшириқларнинг бажарилиш даражаси;
- аниқланган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тадбирларнинг мавжудлиги (қарорлар, фармойишларнинг қабул қилинганлиги);
- молиявий ҳисбот маълумотларининг жорий ҳисоб маълумотларига мувофиқ келиши;
- бухгалтерия ҳисобининг илгор шакллари ва усулларининг кенг жорий этилиши;
- бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимнинг қўнимсизлик даражаси.

Шундай қилиб, ички аудит орқали корхонада амалга оширилаётган барча муомалалар назорат қилиб борилиши керак. Аудитор корхонадаги ички назорат билан танишиш ва унга баҳо беришда қуидагиларга эътибор беради:

- корхонада меъерий-хукукий хужжатларнинг талабларига амал килишлик даражаси;
- моддий жавобгар шахслар фаолиятининг ички назорати холати;
- қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши.

Корхона ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқни таҳлил килишда аудитор куйидагиларни аниклади:

- ✓ хақиқатан ҳам буйруқнинг барча бандлари ҳисоб сиёсатига тааллуқли эканлиги;
- ✓ ҳисоб сиёсатининг барча жиҳатлари (ташкилий-техник, услубий, соликчиликка доир) буйруқда акс эттирилганлиги.

Ушбу масалаларда ички аудит ходимлари хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига тегишли маслаҳатлар ва тавсияларни беради.

П-боб. АВТОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КҮРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ЎТКАЗИЛИШ УСЛУБИЯТИ

2.1.Ички аудитнинг режаси ва уни такомиллаштириш

Корхоналарда ички аудитнинг асосий мақсади содир бўлаётган жараёнларни амалдаги тартиб-қоидаларга мос равишда хужжатлаштирилиши, бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилиши ва молиявий ҳисботда аниқ акс эттирилганлигини текширишдан иборат. Бундан ташқари, ички аудит ходимлари корхона “бизнес-режаси”нинг тўлик бажарилиши, унинг фаолиятини янада ривожлантириш, кўпроқ фойда олишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади ва корхона раҳбари ҳамда кузатув кенгашига тақдим этади. Ички аудитни амалга ошириш учун маҳсус режа тузилади. Ушбу режада ички аудитнинг объектлари, текшириш ўтказиш кетма-кетлиги ва муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ўтказиш режаси маълум хусусиятларга эга бўлиб, қуидагиларни ўз ичига олади:

- корхона фаолияти бўйича қайси кўрсаткичлар назорат қилиниши керак;
- текшириш қачон ўтказилади;
- ички аудитни ким ўтказади;
- ички аудит натижаларининг расмийлаштирилиши;
- ички аудит жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тадбирларнинг ишлаб чиқилиши;
- аниқланган камчиликларни бартараф қилиш муддатларини белгилаш.

Ички аудиторлик хизматининг раҳбари режасида ҳар бир аудиторга алоҳида вазифаларни қўйиши керак.

Ички аудит режаси ижрочи аудиторларга тақдим қилинади. Ички аудиторлик хизматининг аудиторлари йил давомида (ойлар, чоракларда бўйича) текширувларни ўтказадилар. Кўйида, «Samarqand Avtotexxizmat» АЖда ички аудиторнинг иш режаси мазмунини кўриб чиқамиз (5-жадвал):

5-жадвал

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖда ички аудиторнинг 2017 йилга мўлжалланган иш режаси мазмуни²⁰

№	Ички аудиторлик текширувларини жараёнлари	Ижро муддати
1	2	3
1.	Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракатининг ички аудити	даврий
2.	Асосий воситалар ва номоддий активлар эскиришининг тўғрилигини ички аудит қилиш	ҳар ойда
3.	Асосий воситаларнинг мол-мулк солиғига тортилишининг тўғрилигини текшириш	ҳар ойда
4.	Капитал қўйилмаларни ички аудити	даврий
5.	Корхона омборхонасидаги моддий қийматликлар ҳаракатининг аналитик ҳисобини ички аудит қилиш	ҳар ойда
6.	Моддий бойликлардан фойдаланишнинг тўғри ҳисобга олингандиги ва улар бўйича камомадларни текшириш	ҳар ойда
7.	Материяллар бўйича жорий ҳисоб ва ҳисбот кўрсаткичларининг ички аудити	ҳар ойда
8.	Молиявий қўйилмаларнинг ички аудити	даврий
9.	Касса операцияларининг ички аудити	ҳар ойда
10.	Ҳисобдор шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни текшириш	даврий, ҳар ойда

²⁰ «Samarqand Avtotexxizmat» АЖ ички аудит режаси асосида тузилди.

1	2	3
11.	Ҳисоб-китоб счёти бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни текшириш	ҳар ойда
12.	Таъминотчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг ички аудити	даврий, ҳар ойда
13.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аудиторлик таҳлили	даврий
14.	Мехнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг ички аудити	ҳар ойда
15.	Кўрсатилаётган хизматлар таркибининг ички аудити	даврий
16.	Таъсисчилар билан ҳисоб-китобларнинг ички аудити	даврий
17.	Корхона молиявий ҳисботининг тўғри тузилганлигини текшириш	ҳар ойда
18.	Ички аудит натижалари бўйича ҳисбот тузиш ва кузатув кенгашига тақдим этиш	ҳар чоракда, йил якунида

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, корхоналарда ички аудит ўтказиш тартиби, кетма-кетлиги ва режаси меъёрий хужжатлар ва маҳсус адабиётларда тўлиқ ёритилмаган. Ҳар бир ички аудитнинг аудитори ўз тажрибасидан келиб чиқиб текшириш режасини мустақил равишда тузилиб келинмоқда ва ички аудит обьектларини белгиламоқда. Биз, Самарқанд шаҳридаги “Samarqanddonmahsulotlari” акционерлик жамиятидаги ички аудит режаси билан ҳам танишдик. Ушбу корхонанинг йиллик ички аудит режасида даромадлар, бюджетдан ташқари жамғармалар, молиявий натижаларнинг тўғрилиги, солиқларнинг ички аудити масалаларига қўпроқ эътибор берилган.

Тадқиқот натижасига асосланиб ички аудит режасини тузиш ва уни тўлиқ бажаришга қаратилган қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- ички аудит режасини тузишда ички назорат ва аудиторлик хатари юқори бўлган кўрсаткичларга эътибор берилиши керак;
- ички аудиторларнинг сони кўп бўлганда, уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифалар қўйилиши лозим;
- корхона фаолиятининг сифат кўрсаткичларининг ички аудитига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ;
- ички аудит обьектларини белгилашда олдинги текширувларда аниқлланган камчиликларнинг келиб чиқиш (қайтарилиш) эҳтимоллигига эътибор бериш керак.

Биз, куйида, “Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар”нинг намунавий ички аудит режасини ишлаб чиқдик (6-жадвал):

6-жадвал

**Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда
“Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар”
ички аудитнинг йиллик намунавий режаси (тавсия)**

№	Текшириладиган жараёнлар	Текшириш муддати	Текширувчи аудитор	Бажарилганлик тўғрисида белги
1	2	3	4	5
1.	Корхонанинг штат жадвали, ишга қабул қилиш тартиби, шартномалар ва иш ҳақи миқдорини текшириш	Йил давомида	Аудитор Кенжаев С.	
2.	Меҳнат ҳақининг тўғри ҳисобланиши, ундан ушланмалар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини текшириш	Ҳар ойда	Аудитор Солиев Б.	
3.	Меҳнат таътили, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ҳисоб-китобларни текшириш	Йил давомида	Аудитор Солиев Б.	

1	2	3	4	5
4.	Ходимлар билн бошқа ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш	Ҳар ойда	Аудитор Кенжаев С.	
5.	Мехнат ҳақини тўғри берилганлиги ва ҳисобини текшириш	Ҳар ойда	Аудитор Олимов Б.	
6.	Мехнат ҳақи бўйича жорий ҳисоб маълумотларининг “Молиявий ҳисобот” маълумотларига мос келишини текшириш	Ҳисобот даврида	Аудитор Олимов Б.	
7.	Мехнат ҳақининг меҳнат унумдорлигига таъсирини аудиторлик таҳлил қилиш	Йил давомида	Ички аудиторлар	
8.	Ички аудит натижаларини умумлаштириш	Ҳар чоракда	Аудитор Олимов Б.	
9.	Аудитор ҳисботини тузиш	Йил яқунида	Аудитор Олимов Б.	

Ушбу режа ички аудиторлик хизмати раҳбари томонидан тузилади ва кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади. Шундай мазмундаги ички аудит режаси бошқа жараёнлар (текширув обьектлари) бўйича ҳам тузилади.

2.2. Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарининг активлари ва мажбуриятлари ички аудити услубияти

Корхоналарнинг фаолияти мавжуд активлардан яъни маблағлардан самарали фойдаланиш ва мавжуд мажбуриятларни ўз вақтида қайтарилишига бевосита боғлиқ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари қўйидагилардан ташкил топади:

- пул маблағлари;
- ишлаб чиқариш заҳиралари;
- тайёр маҳсулотлар;

- товарлар;
- қимматли қоғозлар;
- асосий воситалар;
- номоддий активлар;
- бошқа турдаги активлар.

Ушбу активлар ички ва ташқи аудитнинг муҳим объектлари ҳисобланади. Ички аудит жараёнида активларнинг түғри шаклланганлиги ва мақсадли фойдаланилганлиги текширилади. Ички аудитнинг текшируви маблағлар харакатини акс эттирувчи дастлабки хужжатлар ва ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари орқали амалга оширилади. Аудитор, даставвал активларнинг турлари, уларнинг қолдиқлари билан яқиндан танишади. Бундай танишув корхона балансидаги қўрсаткичлар ва жорий ҳисоб маълумотлари орқали амалга оширилади. Мисол учун, ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг ҳолати ва қолдиги бухгалтерия балансининг актив томони, II “Жорий активлар” бўлимида йил бошида ва йил охирида келтирилган бўлади (340сатр). Аудитор ушбу қолдиқларни 5110-“Ҳисоб-китоб счёти” бўйича очилган Бош китобдаги (ёки “Айланма қайтнома”даги) қолдиқлар билан солиштирилади. Корхона учун банкда ҳисоб-китоб счётининг очилиши Марказий банкнинг маҳсус йўриқномасига асосан амалга оширилади. Ушбу счётда корхоналарнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги қолдиги ифодаланган бўлади. «Samarqand Avtotexxizmat» АЖнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 223169,0 минг сўм бўлган. Ушбу қўрсаткич 2016 йил бошида эса 293809,0 минг сўм бўлган. Ички аудит жараёнида аудитор ушбу қолдиқларнинг тўғрилигини текширади. Банк муассаси ҳар бир корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги қолдиқ тўғрисида маълумотни “Банк кўчирмаси” шаклида корхонага тақдим қилиб боради. Бухгалтерия балансидаги ва банк кўчирмасидаги қолдиқлар бир-бирига мос келиши керак. Ушбу қолдиқлар 5110-“Ҳисоб-китоб счёти” Бош китоб (“Айланма қайднома”) маълумотларига ҳам тўғри келиши керак.

“Ҳисоб-китоб счёти”га келиб тушган ва ундан сарфланган пул маблағлари тўлов талабномалар, тўлов топшириқномалар, банк чеклари орқали расмийлаштирилиб борилган бўлади. Ички аудит жараёнида ушбу ҳужжатларнинг тўғрилиги ҳам текширилади.

Корхона бухгалтериясида банк қўчирмалари ва уларга илова қилинган ҳужжатларга асосан “Ҳисоб-китоб счёти”га келиб тушган ва ундан сарфланган пул мавлағлари умумлаштирилиб, ўзаро алоқадор бўлган счётларда икки ёқлама ёзув орқали акс эттирилиб борилган бўлади. “Ҳисоб-китоб счёти”даги пул маблағларининг харакати қуидаги бухгалтерия ҳисоби ёзувлари орқали ички аудит қилинади (7-жадвал):

7-жадвал

Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда “Ҳисоб-китоб счёти” даги пул маблағларининг ички аудити жараёнида текшириладиган бухгалтерия ҳисоби ёзувлари

№	Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит
1.	Ҳисоб-китоб счётига таъсисчилардан устав капиталига улуш сифатида пул келиб тушди	5110	4610
2.	Кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган пул маблағларига	5110	4010
3.	Кассадаги пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига топширилиди	5110	5010
4.	Аkkreditiv счётдаги пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига топширилди	5110	5510
5.	Хизматлар бўйича буюртмачилардан бўнак олинди (келиб тушди)	5110	6310
6.	Олдин қисқа муддатли инвестиция шаклида берилган қарзлар қайтарилди	5110	5830

7.	Илгари таъминотчиларга берилган бўнак қайтарилди	5110	4310
8.	Хисоб-китоб счётига билдирилган даъволар суммаси келиб тушди	5110	4860
9.	Хисоб-китоб счётидан таъминотчилар олдидаги қарзлар ўтказилди	6010	5110
10.	Бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг суммаси ўтказилди	6410	5110
11.	Суғурта ва мақсадли давлат ажратмаларига тўловлар амалга оширилди	6510-6530	5110
12.	Банқдан олинган қисқа муддатли қарз тўланди	6810	5110
13.	Таъсисчиларга дивиденд суммалари тўланди	6610	5110
14.	Ижарага берувчига қисқа муддатли ижара ҳақи тўланди ва х.к.	6910	5110

Ички аудит жараёнида юқоридаги бухгалтерия ёзувларининг тўғрилиги 21-сон БҲМС талаблари бўйича текширилади.

Корхонанинг бошқа турдаги узоқ ва жорий активлари, уларнинг турларига қараб ички аудиторлик текширувидан ўтказилади. Текшириш натижалари ички аудит бўйича ҳисоботда ўз аксини топади.

Корхонанинг бошқа корхоналар олдидаги мажбуриятлари – бу ушбу корхонанинг бошқа корхоналар олдидаги қарзини ифодалайди. Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда қуйидаги мажбуриятлар мавжуд:

- таъминотчилар олдидаги мажбуриятлар;
- бюджет олдидаги солиқлар бўйича мажбуриятлар;
- банк кредити бўйича мажбуриятлар;
- меҳнат ҳақи бўйича ходимлар олдидаги мажбуриятлар;
- суғурталар бўйича мажбуриятлар;
- мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича мажбуриятлар;

- бошқа турдаги мажбуриятлар.

Ички аудит жараёнида корхонанинг мажбуриятлари қуидаги тартибда текширилади:

- мажбуриятларнинг турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилади;
- мажбуриятларни ҳисобга олувчи бухгалтерия ҳисоби счётларидаги қолдиқлар, ушбу счётлардаги ёзувларнинг тўғрилиги текширилади;
- мажбуриятлар бўйича бухгалтерия балансидаги қолдиқлар жорий ҳисоб маълумотлари билан ўзаро солиширилади;
- ички аудит натижалари умумлаштирилади ва аудиторлик ҳисоботига киритилади.

Қуида корхонанинг муҳим мажбуриятларидан бўлган - ходимлар билан меҳнат ҳақи бўтича ҳисоб-китобларнинг ички аудити услубиятини кўриб чиқамиз. Ходимлар билан ишбай меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг ички аудити қуидаги тартибда амалга оширилади: иш ҳақини ҳисоблашга асос бўлувчи ҳужжатлар текширилади: ишлаб чиқариш ҳажми, бажарилган ишлар бўйича далолатномалар. Вақтбай меҳнатга ҳақ тўлашда таъриф ставкалари ва ажратмаларнинг тўғрилиги, иш вақтидан самарали фойдаланилганлик, табеллар, нарядлар ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича ҳужжатлар тўлиқ текширилади. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоб кайдномаларини текширишда арифметик хатоларнинг бор-йўқлигига эътибор берилиши керак. Ички аудит жараёнида ходимларга уларни рағбатлантиришга асос бўлувчи маълумотлар, асосий иш вақтидан ташқари ёки тунда ишлаганлиги учун қўшимча тўлов ва устама ҳаqlари, ишламаган вақт, меҳнат таътили, вақтинчалик меҳнатга қобилятсизлик учун тўловларнинг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги текширилади. Бунда аудитор ҳар бир корхонада “Моддий рағбатлантириш ва турли қўшимча тўловлар ва

мукофотларни ҳисоблаш тўғрисидаги Низом”нинг ишлаб чиқилганлигига эътибор берилиши керак.

Иш ҳақидан ушланмаларнинг тўғрилиги мажбурий ушланмалар ва ихтиёрий ушланмалар бўйича текширилади. Ички аудиторлик текшируви жараёнида иш ҳақининг тўғри ҳисобланиши ва ҳисоб регистрларида кўрсатилган иш ҳақидан ушланмалар бўйича счёtlардаги ёзувларнинг тўғрилиги текширилади. Ҳисоб журнал-ордер шаклида олиб борилганда 6710 – “Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар” счёtlарининг кредити бўйича 10 ва 10/1-сонли журнал-ордерларнинг маълумотлари билан, ушбу счет бўйича дебет маълумотлар эса - 1, 2, 8-сонли журнал-ордер маълумотлари билан ўзаро солиштирилади (2010 –“ Асосий ишлаб чиқариш”, 9420 –“Маъмурий харажатлар” счёtlари ва х.к.).

Маълум бир санага иш ҳақи бўйича аналитик ҳисоб маълумотларлари Бош китоб ва бухгалтерия балансидаги “Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар” счёtinинг синтетик ҳисоби маълумотларлари билан таққосланади. Бунинг учун ойнинг 1-санасига 6710-“Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар” счёtinинг колдиғи қисоб-китоб-тўлов қайдномасининг якуний суммалари билан ўзаро солиштирилади. Текшириш жараёнида тафовутлар келиб чиқса, уларнинг сабаблари аниқланади. Иш ҳақи жамғармасидан турли тўловлар ва чегирмаларни чиқариб ташлаш йўли билан пул харажатларини сохталаштириш (яшириш), берилган бўнакларни тўлиқ ушлаб қолмаслик, пул ҳужжатларини қайтадан ҳисобдан чиқариш ва улар бўйича тўловларни 6710 – “Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар” счёtnинг дебетига ўтказиш, бир ҳисоб-китоб қайдномасидан колдиқни асоссиз иккинчисига ўтказиш орқали дебиторлик карзни камайтириб ёки кредиторлик қарзини кўпайтириб кўрсатиш ҳолларнинг мавжудлигига эътибор берилади. Ички аудит жараёнида 6710 – “Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар” счёtiдаги бухгалтерия ёзувлари тўлиқ текширилади. Ички аудит объектлари бўйича маълумотлар

умумлаштирилиб борилади ва чораклик ва йиллик ҳисботларда ўз аксини топади. Аниқланган камчиликлар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.


2.3. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда молиявий натижаларнинг ички аудити

Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти кўпроқ фойда олишга қаратилган. Фойда, иқтисодий категория сифатида хўжалик юритувчи субъектнинг сўнги якуний молиявий натижаси ҳисобланади. Фойда корхона мажбуриятларининг камайиши ва активларининг кўпайишини ифодалайди. Бухгалтерия ҳисобида фойда кўрсаткичи барча даромадлар билан барча харажатларнинг ўзаро таққосланиши натижасида аниқланади. Корхона даромадлари, харажатлари, уларнинг таркиби ва фойда турлари маҳсус низомда келтирилган.²¹

Автосервис хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари юқоридаги низомга асосан икки турга бўлинади:

- асосий фаолиятдан олинган даромадлар;
- асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар.

Ушбу даромадларнинг таркиби, ўз навбатида яна қуидаги турларга бўлинади (5-чизма):




5-чизма. Корхона даромадларининг турлари

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган: “ Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”, 1999 йил 5 февраль (кейинги ўзгаришиш ва қўшимчалар билан).

Корхона харажатлари, унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир. Харажатлар ҳам, ўз навбатида икки турга бўлинади:


- асосий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар.

Ушбу харажатларнинг таркиби қуидагилардан иборат (6-чизма):



6-чизма. Корхона харажатларининг турлари

Ушбу даромадлар ва харажатларни ўзаро таққослаш натижасида қуидаги фойда кўрсаткичлари олинади (7-чизма):



7-чизма. Корхона фойдасининг турлари

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг фойда кўрсаткичлари даромад ва харажатларнинг турларига бевосита боғлиқ. «Samarqand Avtotexxizmat»

АЖНИНГ 2016 ЙИЛДАГИ ФОЙДА КЎРСАТКИЧЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ШАКЛЛАНГАН (8-ЖАДВАЛ):

8-жадвал

**«Samarqand Avtotexxizmat» АЖНИНГ 2016 ЙИЛДАГИ
ФОЙДАСИ ТУРЛАРИ**

№	Фойда кўрсаткичлари	Сумма (минг сўм)
1.	Хизматларни сотищдан олинган ялпи фойда	4382264,0
2.	Асосий фаолиятдан олинган фойдаси	1488014,0
3.	Умумхўжалик фаолиятининг олинган фойдаси	1432643,0
4.	Солик тўлангунга қадар бўлган фойда	1432643,0
5.	Ҳисобот даврининг соғ фойдаси	1169689,0

Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари, харажатлари ва фойдаси ички аудитнинг муҳим объектларига киради. Ушбу кўрсаткичларни аудит қилишда қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счёtlаридан фойдаланилади:

- 9030 - “Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар”
- 9130 - “Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”
- 9300 - “Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счёtlар”
- 9400 - “Давр харажатларини ҳисобга олувчи счёtlар”
- 9500 - “Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи счёtlар”
- 9600 - “Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счёtlар”
- 9710 - “Фавқулотдаги фойдалар”
- 9720 - “Фавқулотдаги заарлар”
- 9810 - “Даромадлар (фойда)га солинадиган солик бўйича харажатлар”

9910 - “Якуний молиявий натижа”

8710 - “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)”

8720 - “Жамланган фойда (қопланмаган зарар)” ва бошқа счёtlар.

Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счёtlар транзит счёtlар бўлиб, йил охирида қолдиқ қолмайди. Ушбу счёtlар ҳисобот йилининг охирида 9910 - “Якуний молиявий натижа” счёти билан ёпилади. Даромадларни ҳисобга олувчи счёtlаридағи кредит қолдиқлар 9910 - “Якуний молиявий натижа” счётининг кредитига, харажатлар счёtlаридағи қолдиқлар эса ушбу счёtnинг дебет томонига ўтказилган бўлади. Буни қуидагича ифодалаш мумкин:

(минг сўм)

Дебет	9910 - “Якуний молиявий натижа”	Кредит
Харажатлар: Сотилган хизматларнинг таннархи = 4174776,0 Давр харажатлари = 3386494,0 Молиявий фаолият бўйича харажатлар = 94789,0 Фавқулодда заарлар = 0 Фойда солиги = 161242,0 Фойдадан бошқа солиқлар ва харажатлар = 101712,0	Даромадлар: Хизматларни сотишдан олинган соф тушум = 8557040,0 Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар = 492244,0 Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар = 39418,0 Фавқулоддаги фойда = 0	
Жами = 7919013,0	Жами = 9088702,0	Қолдиқ = 1169689,0

Шундай қилиб, «Samarqand Avtotexxizmat» АЖ 2016 ҳисобот йилида 1169689,0 минг сўм соф фойда олган. Ушбу сумма 8710 - “Ҳисобот

даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётига ўтказилади:

Дебет	Кредит	Сумма
9910	8710	1169689,0

Ички аудит жараёнида юқорида келтирилган счёtlардаги суммаларнинг тўғрилиги текшириллади ва унинг натижалари ички аудит ҳисоботида ўз аксини топади. Ҳисбот йилининг соф фойдаси амалдаги тартиб-қоидага асосан тақсимланган бўлади.

Ички аудит жараёнида корхона даромадлари, харажатлари ва якуний молиявий натижаси текширилганда жорий ҳисоб маълумотлари, бухгалтерия баланси (пассив томони, биринчи бўлими), “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот” маълумотларидан кенг фойдаланилади. Бухгалтерия балансида корхонанинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) келтирилган бўлади. Даромадлар, харажатлар ушбу кўрсаткичларни ҳисобга оловчи синтетик счёtlарнинг регистрларида (Бош китобда), “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот”да олинган даромадлар ва қилинган харажатлар алоҳида турлари бўйича ифодаланган бўлади.

Ички аудит жараёнида (йил охирида) даромадлар ва харажатларни ҳисобга оловчи счёtlарнинг (9100, 9130, 9300, 9400, 9500, 9600, 9710, 9720, 9810) 9910-“Якуний молиявий натижа” счёти билан тўғри ёпилганлиги текшириллади. Текшириш жараёнида хатоликлар бўлса, уларнинг сабаблари аниқланади.

2.4. Молиявий ҳисботнинг ички аудити

Турли фаолият билан шуғулланувчи корхоналар молиявий ҳисботни тузади ва тақдим этади. Молиявий ҳисбот корхонада юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг якуний жараёни (хужжати) ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ҳисботи мазмуни янги тахирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда

қўйидагича ифодаланган: “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектларининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятнинг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотлардан иборатдир”.²² Молиявий ҳисобот корхоналарнинг катта-кичиклигига қараб ҳар чоракда ва йилда ортиб борувчи якун бўйича тузилади. Чораклик молиявий ҳисоботнинг таркиби бухгалтерия баланси ва “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”дан иборат. Қабул қилинган қонунга асосан йиллик молиявий ҳисоботнинг таркиби қўйидагилардан иборат:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;
- пул оқимлари ҳақида ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисида ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Молиявий ҳисоботнинг таркибини Ўзбекистон Республикаси Молия ва вазирлиги белгилайди ва уларни тузиш бўйича алоҳида йўриқномаларни ишлаб чиқади. Ҳар бир корхона молиявий ҳисоботларни амалдаги тартиб қоидалар асосида тузиши керак. Чунки, ушбу ҳисобот маълумотларидан ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилар фойдаланадилар. Молиявий ҳисобот маълумотлари асоссиз, аниқ бўлмаса, корхонанинг фаолият кўрсаткичлари ҳам тўғри бўлмайди. Натижада, корхона фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорлари, мижозлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳам асосланмаган бўлади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботи бухгалтерия ҳсobi ва аудитнинг муҳим объектлари сифатида доимий равишда назорат қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунида аудиторлик текширувининг мазмуни айнан молиявий ҳисоботни

²² Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонunchилик палатаси томонидан 2016 йил 3 марта қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 31 марта маъқулланган.-“Халқ сўзи”, 2016 йил 14 апрель.

текширишга қаратилган бўлиб, қуйидагида ифодаланган: “Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилигини ва қонун хужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботи ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир”.²³ Шундай қилиб, аудиторлик текширувининг асосини хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисботи, у билан боғлиқ молиявий ахборотларни текшириш ташкил қиласди.

Корхоналарнинг молиявий ҳисботлари ҳам ташки, ҳам ички аудитнинг муҳим обьектларига киради. «Samarqand Avtotexxizmat» АЖнинг молиявий ҳисботи ички аудит бўлими томонидан текширилган. Ички аудит режасида молиявий ҳисботни текширишда қуйидаги жараёнлар белгиланган:

- молиявий ҳисбот ва ҳисоб регистрларидағи кўрсаткичларнинг мувофиқлигини текшириш;
- бухгалтерия балансининг тўғрилигини текшириш;
- молиявий ҳисботнинг асослилиги ва тўғрилигини текшириш;
- дастлабки хужжатларнинг тўғрилигини текшириш ва таҳлил қилиш;
- ҳисботнинг ўз вақтида тегишли органларга тақдим этилишини текшириш;
- ҳисоб регистрлари ва Бош китоб маълумотларининг молиявий ҳисботга мослигини текшириш.²⁴

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аудиторлик ташкилотлари ва корхоналар қошидаги ички аудит бўлимлари молиявий ҳисбот ва унинг тўғри тузилганлиги турлича кетма-кетликда амалга оширмоқда. Ички аудит режасида молиявий ҳисботни текшириш кетма-кетлиги аниқ белгиланмаган. Биз, йиллик молиявий ҳисботнинг тўғри тузилганлигига ва жорий ҳисоб

²³ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 26 май (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

²⁴ «Samarqand Avtotexxizmat” АЖ ички аудит режасидан олинди.

маълумотларига мослигини қўйидаги кетма-кетлиқда ички аудит қилинишини тавсия қиласиз (8-чизма):



8-чизма. Молиявий ҳисботнинг ички аудит кетма-кетлиги

Бухгалтерия баланси қўйидаги тартибда ички аудит қилинади:

- балансга тайёргарлик ишларининг тўлиқ бажарилишини текширилади;
- балансдаги актив ва пассив томонидаги корсаткичларнинг тўғрилиги текширилади;
- баланс бўлимларидаги ёзувларнинг тўғрилиги текширилади;
- баланс кўрсаткичлари билан молиявий ҳисботнинг бошқа шакллари ўзаро таққосланади.

Баланс актив томонидаги маълуммоплар актив счётлардаги маълумотлар билан солиширилади. Баланс пассив томонидаги маълумотлар эса пассив счётнинг маълумотлари билан таққосланади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботнинг тўғрилиги ҳисботда даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичларни текшириш орқали ички

аудит қилиниади. Бунда даромад ва харажатларнинг тўғрилиги алоҳида счётлар орқали (даромадлар 9000, 9300, 9500 ва 9710 счётлар орқали, харажатлар эса 9100, 9400, 9600 ва 9720 счётлар орқали) текширилади. Корхонанинг соф фойдаси эса 9910 – “Якуний молиявий натижা” ва 8710 - “Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётлари орқали текширилади. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг ички аудити жараёнида молиявий кўрсаткичларни аудиторлик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқжир. Натижада молиявий ҳолатни яхшилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилади.

Пул маблағлари ҳақида ҳисоботнинг ички аудит жараёнида пул маблағларининг тўғри шаклланганлиги ва сарфланганлиги, пул маблағлари ҳаракатининг жорий ҳисоб маълумотлари билан ҳисобот маълумотлари мослиги текширилади. Пул маблағлари тўғрисида ҳисобот қуидаги йўналишлар бўйича текширилади:

- операцион фаолият бўйича пул маблағларининг йил давомида кўпайиши, камайиши ва қолдиқлари текширилади;
- инвестиция фаолияти бўйича пул тушумлари ва тўловлари текширилади;
- молиявий фаолият бўйича пул тушумлари ва тўловлари текширилади;
- тўланган солиқларнинг ҳисбетда тўғри акс эттирилганлиги текширилади;
- агар, корхонада чет эл валютаси бўлса, чет эл валютасидаги пул маблагларининг ҳаракати ва ҳолати маҳсус счётлар бўйича текширилади.

Хусусий капитал тўғрисида ҳисбет ички аудитида қуидаги кўрсаткичлар бўйича текширилади:

- устав капиталнинг қолдиғи;
- қушилган капиталнинг ҳолати;
- резерв капиталнинг қолдиғи;
- тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) нинг тўғрилиги;
- сотиб олинган хусусий акциялар;
- максадли тушумлар текширилади.

Ички аудит натижалари умумлаштирилади ва ҳисбетга киритилади.

Ш-боб. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ТАШҚИ АУДИТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

3.1.Ички аудитнинг ташқи аудит объектларини белгилашда тутган ўрни

Корхоналарнинг самарадорлигини оширишда бошқарув тизими ва назоратнинг роли каттадир. Назорат орқали мавжуд камчиликлар ва тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар (резервлар) аниқланади. Турли фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали кўпроқ даромад (фойда) олишни мақсад қилиб қўядилар. Корхона фойдаси, олдин эътироф этганимиздек, унинг олган даромадлари билан қилган сарф-харажатлари ўртасидаги фарқдан иборат. Бундай ижобий натижаларга эришиш учун содир бўлаётган жараёнлар (операциялар) амалдаги қонун-қоидаларга тўлиқ мос келиши, доимий равишда назорат қилиб борилиши керак. Назорат воситаси орқали жараёнлар ўрганилади ва бошқарилади. Корхоналарда содир бўлаётган жараёнлар уларнинг фаолият турига бевосита боғлиқ.

Хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган жараёнлар хужжатларда тўлиқ ифодаланган ва назоратга олинган бўлиши керак. Назорат ,мақсад ва вазифаларига қараб бир қанча турларга бўлинади. Иқтисодий назорат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш, мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва камчиликларни топишга қаратилган. Унинг натижасида корхона фаолиятини янада яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.²⁵

Корхоналар фаолияти ички ва ташқи назорат қилинади. Ички назорат таркибига ички аудит (ички аудиторлик хизмати) ҳам киради. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ички аудитнинг мазмун-моҳияти мөёрий хужжатлар ва маҳсус адабиётларда турлича талқин қилинган. Қуйида буларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Мисол учун, проф. В.И.Подольский ички аудитнинг моҳиятини қуидагича ифодалаган: “Ички

²⁵ Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: “Молия”, 2003, 9-6.

аудит корхона раҳбарлари манфаатларига қаратилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектни текшириш ва баҳолашга қаратилган фаолиятдир”.²⁶ Республикаизда муаллифлар жамоаси томонидан нашр этилган “Аудит” ўқув қўлланмасида ички аудитнинг мазмуни қуйидагича эътироф этилган: “Ички аудит бошқарув назоратининг муҳим ва таркибий элементига киради. Ички аудитга талаб, кўп ҳолларда йирик корхоналарда содир бўлиб, унинг асосий сабаби юқори бошқарув тизимидағи раҳбарият ходимларида ҳар доим ҳам қўйи таркибни назорат қилиш имконияти бўлмайди”.²⁷ Проф. К.Б.Уразовнинг фикрича: “Ички аудит иқтисодиётнинг қўйи бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат воситаси ҳисообланади”.²⁸ “Ички аудит хизмати – корхонанинг бўлими бўлиб, маҳсус Низом ва корхона кузатув кенгаши талаблари бўйича ички аудитни амалга оширади”, – деб таъкидлайди, профессор Р. Абдуллаев.²⁹

Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом”да ички аудитнинг мазмуни келтирилган.³⁰ Шуни ҳам эътироф этиш керакки, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ички аудит ва ички аудиторлик хизмати масалалари ўз ифодасини топмаган. Мазкур қонунга қўшимчалар киритилиб, ички аудит масалалари ўз аксини топиши керак деб ҳисоблаймиз.

Бозор иқтисодиёти корхоналарни бошқариш, ҳисоб-китобларни юритиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишга янгича талаблар қўймоқда. Республикаизда шундай назоратлардан бири аудиторлик текширувлари ва хизматларидир. Бугунги кунда аудиторлик фаолиятининг хуқуқий асослари яратилган, аудиторлик ташкилотлари, уларнинг мақсад ва вазифаларига қаратилган маҳсус низомлар қабул қилинган, аудиторлик

²⁶ Аудит. Учебник. Под. ред.проф. В.И.Подольского. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000, с.22.

²⁷ Арзикулов Б.Э., Ахмаджанов К.Б., Мусаев Х.Н. и др. Аудит. Учебное пособие. Том I. Под ред. профессора М.М.Тулаходжаевой. Т.: ТГЭУ, НАБА Узбекистана, 2003, с.8.

²⁸ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъruzza матнлари тўпламлари. II-қисм. – Самарқанд, СамИСИ, 2004,139-б.

²⁹ Абдуллаев Р. Бухгалтерский учёт и аудит. Учебное пособие. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2010, с.367.

³⁰ “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида” Низом,2006 йил 16 октябрь.

фаолиятининг миллий стандартлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган³¹. Республикализ олий ўқув юртларида 5230900 -“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши ва 5A23092 – “Аудит (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш)” мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. Ушбу соҳа олимлари томонидан аудитинг назарий, методологик ва ташкилий жиҳатларини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан биргаликда бозор иқтисодиёти ривожланишини янги босқичга кўтариш, аудиторлик фаолияти ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Ички ва ташқи аудит, уларни ташкил қилиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда. Ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши, бизнинг фикримизча аудиторлик фаолияти, аудиторлик текширувлари, аудиторлик текширувларининг шакллари, аудитнинг турлари, ташқи аудит ва ички аудитнинг хусусиятлари каби масалалар илмий жиҳатдан батафсил тадқиқ қилиниши керак.

Аудит бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси бўлиб хўжалик юрутувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласи. Меъёрий хужжатлар ва маҳсус адабиётларда ташқи аудитнинг мақсади, обьектлари, турлари, ўтказиш тартиби етарлича келтирилган.

Аудиторлик фаолияти ўз ичига аудиторлик текширувлари ва аудиторлик касбий хизматларини олади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, республикамида қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Конунда аудитнинг ташқи ва ички аудитга бўлиниши, улардаги ўзаро фарқлар келтирилмаган. Ушбу қонунинг янги таҳририда ушбу масалалар ўз ифодасини топиши керак деб ҳисоблаймиз.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конуни, 2000 йил, 26 май (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан), “Аудиторлик ташкилотлар тўғрисида Низом” (2007 йил, 4 апрель), “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида” Низом (2006 йил, 16 октябрь), Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.

Ички ва ташқи аудининг мазмун-моҳияти маҳсус адабиётларда турлича ифодаланган. Жумладан, проф. М.М.Тўлахўжаева “аудит - бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив хужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хulosा чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир ” деб таъриф беради³². Ушбу масалада муаллиф кўпроқ ташқи аудит ҳақида ўз фикрини билдирган. Проф. К.Б.Уразов ички ва ташқи аудитнинг мазмунини қуйидагича изоҳлайди: “Ички аудит иқтисодиётнинг қуи бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат воситаси ҳисобланади. Ташқи аудит давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи назардан мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган назорат воситаси ҳисобланади”.³³

Ички ва ташқи аудитнинг мақсади, вазифалари ҳамда объектлари бир-биридан фарқ қиласи. Ташқи аудитнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг тўғрилиги ва молиявий ҳисоботнинг асослилигига холисона баҳо бериш (хulosা бериш) дан иборат. Ташқи ва ички аудитнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонада ҳисоб сиёсатига асосан ҳисоб-китобларни текшириш;
- корхона кузатув кенгашини ишончли ахборотлар билан таъминлаш;
- корхона фаолиятини жорий текширувлардан ўтказиш;
- текшириш натижаларида аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклифлар бериш;
- аниқланган камчиликларнинг тезкорлик билан бартараф этилишини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботларни тузиш бўйича корхонага услубий ёрдам кўрсатиш;

³² Тўлахўжаева М.М. Молиявий ахволнинг аудити. –Т.: “Иқтисодий ва ҳукуқ дунёси”, 1996, 94–б.

³³ Уразоев К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъruzza матинлари тўплами. II-қисм . – Самарқанд ,СамИСИ,2004,139–б.

- ташқи аудит натижаларида аниқланган камчиликларни корхона ходимлари билан биргаликда бартараф этиш;
- текширув натижалари бўйича ҳисобот ва аудиторлик хulosасини тузиш.

Самарқанд шаҳридаги «Samarqand Avtotexxizmat» АЖда ташқи аудит ўтказилиб борилган. Унинг натижасида ушбу корхонанинг молиявий ҳисоботига холисона баҳо берилади. Шундай аудиторлик текширувлар “JAVLON AUDIT SERVIS” аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган ва ижобий хулоса берилган. Корхонада ташқи аудит Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, “Аудиторлик ташкилотлар тўғрисидаги Низом”, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари талаблари асосида ўтказилмоқда. Ташқи аудитни ўтказишга корхона (мижоз) нинг буюртмаси асос бўлади. Ушбу буюртма бўйича текширилиши кутилаётган корхонанинг фаолияти ўрганилиб чиқилади, кейинчалик режа ва дастур, шартнома тузилади. Шарномада аудиторлик ташкилоти вазифалари, текшириш обьекти, текшириш муддати, текширилаётган корхонанинг вазифалари кўрсатилади. Ташқи аудитни ўтказиш тартиби қуидагича амалга оширилади (9-чизма).

Аудиторлик режаси ва дастурида аудиторлик таваккалчилиги даражаси кўрсатилади. Ушбу кўрсаткич корхонада юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг даражасига, ички назоратнинг тўғри ташкил қилинишига бевосита боғлиқ бўлади. Аудиторлик текширувларининг таваккалчилик даражаси, ўртacha 5 фоиз қилиб қабул қилинган. Олиб борилган тадқиқот натижари бўйича ташқи аудитга хос бўлган қуидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, ташқи аудит аудитнинг алоҳида турига киради ва мақсад, олдидағи вазифалари бўйича ички аудитдан фарқ қиласи. Ички аудит – бу корхона бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари томонидан маълум мезонлар асосида ташкил қилинган ва жорий назоратни амалга оширувчи ички назоратнинг маркибий қисмидир.



9-чизма. Ташқи аудитни ўтказиш кетма-кетлиги

Иккинчидан, корхонада ташқи аудит ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти алоҳида лицензияга эга бўлиши керак.

Учинчидан, ташқи аудитни малакавий сертификатга эга бўлган мутахасис амалга оширади. Шу билан биргалиқда, ташқи аудит жараёнида маҳсус сертификатга эга бўлмаган аудитор ёрдамчиларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тўртинчидан, ташқи аудитнинг асосий мақсади ва вазифалари корхонада ҳисоб сиёсатига тўлиқ амал қилинишни, бухгалтерия ҳисоби хизматининг амалдаги қонун-қоидалари асосида юритилишини текширишдан иборат.

Бешинчидан, ташқи аудитнинг объекти, аксарият ҳолларда корхонанинг молиявий ҳисботи ҳисобланади.

Ташқи аудитнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қўйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

- ташқи аудитнинг объектлари илмий жихатдан тўлиқ асосланиши керак;
- ташқи аудиторлик текширувлари усуллари ишлаб чиқилиши керак;
- ташқи аудит ўтказишнинг наъмунавий режаси ва дастурини ишлаб чиқиши;
- ички ва ташқи аудиторлик хизмати ходимлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- ички ва ташқи аудит бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, меъёрий ҳужжатлар ва маҳсус адабиётларда ички аудитни ўтказиш ва ички аудиторлик хизматини кўрсатишнинг методологияси тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Ички аудит режасининг наъмунавий шакли ва мазмuni илмий жихатдан асосланиши керак.

Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий мақсади ушбу корхонанинг олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида мавжуд барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тўғри ҳисобга олиш ва назоратини таъминлашдан иборат.

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖ ички аудиторлик хизмати ташкил қилган. Ички аудиторлик хизмати жараёнида қўйидагиларга эътибор берилган:

- корхонада бухгалтерия ҳисобининг юритиш шакли
- “ҳисоб сиёсати”нинг тўғри ишлаб чиқилганлиги ва унга амал қилиш;
- ҳисоб регисторларининг тўғри юритилиши;
- корхонада бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакли;
- бухгалтерия ходимларига вазифаларнинг тўғри тақсимланганлиги;

- ички назоратнинг самарадорлиги;
- қўйилган топшириқларнинг тўлиқ бажарилиши;
- аниқланган камчиликларнинг муддатида бартараф қилиниши;
- молиявий ҳисбот маълумотларининг жорий ҳисоб маълумотларига мувофиқ келишини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисобининг илғор шакллари ва усулларида кенг фойдаланиш;
- корхона иш режасининг тўлиқ амалга оширилишини текшириш.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, корхоналарда амалга ошириладиган ички ва ташқи аудит бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Корхоналарда ички назорат, ички аудиторлик хизмати тўғри ташкил қилинган бўлса ташқи аудитнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Ташқи аудит бўйича иш ҳажми, текшириш обьектлари ва усуллари аниқланадиганда ички аудитнинг натижалари эътиборга олиниши керак. Маълумки, ташқи аудитни ўтказиш учун, даставвал режа ва дастур тузилади. Аудиторнинг ушбу ишчи хужжатларида иш ҳажми, текшириш усуллари, таваккалчилик (risk) даражаси аниқланади. Корхонадаги ички назорат ва ички аудиторлик хизмати натижалари ташқи аудит обьектлари ва усуллари ва таваккалчилик даражасини белгилашда ўз таъсирини кўрсатади.

3.2. Ички аудитнинг ташқи аудит самарадорлигига таъсири

Ташқи аудитнинг мақсади текширилаётган корхонада ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилаётганлиги, молиявий ҳисботларнинг асосли эканлигини аниқлашдан иборат. Ташқи аудит натижасида аниқланган камчиликлар, кейинчалик корхонада бартараф этилади ва ижобий натижаларга эришилади.

Ички аудитнинг (аудиторлик хизматининг) асосий мақсади хўжалик юритувчи субъект фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи ҳамда бошқа меъёрий хужжатлардаги вазифаларнинг нечоғлик тўғри бажарилаётганлигини текшириш (нозорат қилиш) ва мониторингини олиб борищдан иборат. Ички аудит жараёнида корхонада бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши, барча жараёнларнинг тўлиқ расмийлаштирилганлиги, бухгалтерия ҳисоби регистларида ишончли акс эттирилишини таъминлашда яқиндан ёрдам беради. Ташқи аудит аниқ буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик текширувлари шаклида ўтказилади. Бундан ташқари мижозларга касбий хизматлар ҳам кўрсатади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдиги ички ва ташқи аудит ташкил этилиши, олдидағи вазифалари, аудит ўтказиш услугиятига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Ушбу фарқни қуидагича ифодалаш мумкин (9-жадвал):

9-жадвал

Ички ва ташқи аудитнинг бир-биридан фарқи

№	Мезонлар	Ички аудит	Ташқи аудит
1	Бўйсаниши бўйича	Корхона кузатув кенгашига	Мустақил, даҳлсиз фаолият олиб боради
2	Ўтказилиш тартиби бўйича	Махсус низом асосида	Шартнома асосида
3	Олдида турган мақсадга кўра	Корхона фаолиятидаги вазифаларнинг тўғри бажарилишини таъминлаш	Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботнинг ҳаққонийлиги, ишончлигига баҳо (хулоса) бериш
4	Олдига қўйилган вазифалари бўйича	Корхона кузатув кенгashi ва раҳбари томонидан белгиланади	Мижоз билан тузилган шартномада кўрсатилади
5	Аудит обьектлари бўйича	Корхона низомидаги фаолият жараёнлари,	Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот, ёки

		режалар, қарорлардаги вазифалари	алоҳида жараён
6	Текшириш усуллари бўйича	Усулларни ички аудит хизмати ходимлари белгилайди	Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартлари
7	Аудит натижаларининг расмийлаштирилиши	Йиғма ҳисбот шаклида	Аудиторлик ҳисботи, аудиторлик хуносаси
8	Аудит натижаларни тақдим этилиши	Корхона кузатув кенгашига, корхона раҳбариятига	Буюртмачига, текширилган корхонага

Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ташқи аудитнинг самарадорлигига ички аудит ва ички назоратнинг тўғри ташкил қилинмаганлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектларда ички аудитни қуидаги йўналишлар бўйича такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир:

- ички аудитнинг обьектларини илмий жихатдан тўлиқ асослаш;
- ички аудиторлик хизматларини кўрсатиш усулларини ишлаб чиқиш;
- ички аудит ўтказишнинг наъмунавий режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;
- ички аудиторлик хизмати ходимлари билан ташқи аудит аудиторлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш;
- ички ва ташқи аудит бўйича махсус семинарларни ташкил қилиш.

Ички ва ташқи аудит ўзаро фарқ қилиши билан биргаликда маълум ўхшашликларга ҳам эга, улар бир-бирини тўлдириб боради. Ташқи аудит жараёнида корхонадаги ички аудит хизматининг фаолияти ҳам ўрганилади, унинг ишини яшилаш бўйича таклифлар берилади. Ўз навбатида, ички аудит хизмати натижалари ҳам ташқи аудитнинг тўғри ташкил қилиниши ва самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатади. Буни қуидагиларда кўриш мумкин:

- ❖ Корхонада ташқи аудит ўтказишдан олдин унинг фаолияти ўрганилади. Ушбу жараёнда ички аудиторлик хизматининг натижалари эътиборга олиниб ташқи аудитнинг обьектлари ва иш ҳажми белгиланади.
- ❖ Ташқи аудит усулларини белгилашда корхона фаолияти жараёнида доимий равища йўл қўйилаётган камчиликлар, уларнинг ички аудит натижасида аниқланиши эътиборга олиниб ташқи аудит обьектлари ва усуллари ишлаб чиқилади.
- ❖ Ташқи аудит бўйича таваккалчилик ва аудиторлик исботи даражасини белгилашда ички аудит натижалари эътиборга олинади.
- ❖ Ташқи аудит жараёнида ички аудит натижалари, ички аудит хизмати ходимларидан фойдаланилади.

Шундай қилиб, ички аудитнинг тўғри ташкил этилиши ташқи аудитнинг самарадорлигини таъминлайди.

3.3. Автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш йўллари

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши натижасида аудит ва аудиторлик фаолияти шаклланди ҳамда ривожланиб борди. Бугунги кунда аудиторлик фаолиятининг хуқукий асослари яратилган, аудиторлик ташкилотлари, уларнинг мақсад ва вазифаларига қаратилган маҳсус низомлар кабул қилинган, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган³⁴. Республикализ олимлари томонидан аудитинг назарий, методологик ва ташкилий жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Шулар билан биргаликда миллий иқтисодиёт ривожланишини янги босқичга кўтаришда аудиторлик фаолияти ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича янги вазифалар қўйилмоқда ва маълум муаммолар келиб чиқмоқда. Бундай

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 26 май (янги таҳрирда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 сонли қарорига илова: “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тасдиқлаган: “Корхоналардаги ички аудит хизмат тўғрисида”ги Низом, 2006 йил, 16 октябрь.

муаммолар сирасига ички аудит, ички аудит хизмати, уни ташкил қилиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиши масалалари киради. Мавжуд муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши, аудиторлик текширувлари, уларининг шакллари ва турлари, ташқи аудит ва ички аудитнинг хусусиятлари каби масалаларни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, аудит бозор иқтисодиётининг муҳум инфратузилмаларидан бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботларнинг амалдаги тартиб-қоидаларга мос равища тузилганлиги, молиявий ҳисботдаги кўрсаткичларининг жорий ҳисоб маълумотларига тўғри келишини маҳсус сертификатга эга бўлган аудиторлар томонидан текширилишидир. Аудит турлари, ўтказилиш тартиби унинг мақсади ва олдига қўйилган вазифалар билан белгиланади. Тадқиқот натижаларига асосланиб ички аудит, ички аудиторлик хизматлари ва уларнинг объектлари, ўтказилиши бўйича қўйидаги хулосаларга келдик³⁵:

- ички аудит аудитнинг алоҳида тури ҳисбланиди ва мақсади, олдидаги вазифалари бўйича ташқи аудитдан фарқ қиласди. Ички аудит – бу корхона бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари томонидан маълум мезонлар асосида ташкил қилинган ва жорий назоратни амалга оширувчи ички назоратнинг таркибий қисмидир;
- корхонада ички аудит орқали ички аудит хизмати кўрсатилади. Ушбу фаолиятни олиб бориш учун алоҳида лицензия талаб қилинмайди;
- ички аудитни ҳам малакавий сертификатга эга бўлган мутахасислар амалга оширади. Шу билан биргаликда, ички аудит жароёнида маҳсус сертификатга эга бўлмаган аудитор ёрдамчилари ҳам жалб қилиниши мумкин;

³⁵ Мусаев Х.Н., Абдивасиев З. Ички аудитнинг хусусиятлари, объектлари ва ташкил этилиши. Республика илмий-амалий конфринция материаллари: “ Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг долгзарб муюмолари. ”. - Самарқанд, СамИСИ, 2016 йил 20-21 май, 130-133 бетлар.

- ички аудитнинг асосий мақсади ва вазифалари ҳам корхонада ҳисоб сиёсатига тўлиқ амал қилинишни, бухгалтерия ҳисоби хизматини қонун-қоидалар талаблари бўйича юритилишини текшириш, корхонанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва корхона кузатув кенгашини ишончли ахборотлар билан таъминлашдан иборат;
- ички аудитнинг обьектлари ташқи аудит обьектларидан тубдан фарқ қиласди. Ташқи аудитнинг обьекти, аксарият ҳолларда корхонанинг молиявий ҳисоботи ҳисобланса, ички аудитнинг обьектлари эса корхона таъсис ҳужжатлари, “Бизнес-режаси” ва унинг бажарилиши, ўзаро тузилган шартномалар, жорий ҳисоб маълумотлари (регисторлари), молиявий ҳисобот, ички ва ташқи аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилишдан иборат.

Хизмат кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг назарий, методологик ва ташкилий жиҳатлари бозор иқтисодиёти талаблабларига мослаштирилган ҳолда такомиллаштирилиши керак. Тадқиқот натижаларига асосланиб ушбу муаммоларни ижобий ҳал қилишга қаратилган қуидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

- ✓ ички аудит обьектларини илмий жиҳатдан асослаш;
- ✓ ички аудит усууларини такомиллаштириш;
- ✓ ички аудитнинг наъмунавий режасини ишлаб чиқиш;
- ✓ ички аудиторлик текширувлари бўйича унинг обьектлари хусусиятлари эътиборга олинниб услубий кўрсатмалар таёrlаш;
- ✓ ички аудит ходимларининг малакасини ошириш;
- ✓ ички аудитни ўtkазиш бўйича маҳсус услубий семинарларни ташкил қилиш

Ички ва ташқи аудит бир-бирларини тўлдириб боради. Корхоналарда ва ички аудиторлик хизматининг тўғри ташкил этилиши ташқи аудит обьектлари тўғри аниқланишини таъминлайди ва аудиторлик текширувларининг самарадорлигини янада оширади.

IV- боб. АВТОСЕВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КҮРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Турли мулкдаги корхоналарнинг самарадорлиги уларнинг ҳаёт хавфсизлигига бевосита боғлиқдир. Корхоналарнинг фаолият турига қараб, уларнинг хавфсизлиги таъминланади. Ушбу жараённи яхшилаш корхона маъмуритнинг асосий вазифаларига киради. Автосевис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ташкилотчилик, маъмурӣ-хўжалик ишларини амалга оширувчи, хизматлар кўрсатиш жараёнларни ташкил қилувчи, меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга керакли бўлган меҳнат шарт-шароити яратилиши керак. “Самарқанд Автотеххизмат” АЖ да ушбу соҳада маълум ишлар амалга оширилган. Жумладан:

- қўриқчилик хизмати ташкил қилинган;
- иш режими белгиланган;
- техник кузатув камералари ўрнатилган;
- ходимларнинг соғлигини текширувчи маҳсус бўлинма мавжуд;
- санитария постлари ташкил қилинган;
- дам олиш хоналари мавжуд;
- ходимлар билан йиғилиш учун алоҳида хона мавжуд;
- техника хавфсизлиги бўлинмаси мавжуд.

Корхона ходимларига қўйиладиган асосий талаблар, улар томонидан давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга ошириш учун шароитлар яратилган. Корхона маъмуриятига юклатиладиган вазифалар ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимларда ўз аксини топади. Ушбу меҳнат битимини тузиш Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси тадабдаридан келиб чиқади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган вазифани корхона ички тартиб-коидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва тузилган меҳнат битимида кўзда тутилган мажбуриятларни ўз ичига олади. Ҳар бир

ишли, хизматчи учун мутахассислиги ва малакасига қараб маълум иш жойини ташкил қилиши, соғлом ва хавфсиз иш шароитини барпо қилиши керак.

Меҳнат Кодексида корхона ходимларига меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш маҳсус моддада келтирилган. Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим. Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва заарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юклатилган.

Меҳнат шароити заарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда маъмурият меҳнат қилувчиларга белгилаган меъёрларда маҳсус кийим, пойабзал ва бошқа маҳсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқатларни ташкил этишлари керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларини ташкил қилиш касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузәётган шахсларга нисбатан чоралар кўриш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритилади.

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖнинг асосий вазифаси юридик ва жисмоний шхсларга автомобиль савдосини ташкил қилиш, уларга автосервис хизматини кўрсатишга қаратилган.

Корхонада ишчи ва хизматчилар учун маълум шарт шароитлар яратилган. Мехнатни муҳофаза қилишга қаратилган ички назоратчилар тайинланган. Уларнинг вазифалари баҳтсиз ходисаларни олдини олиш, ходимларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини кўтаришга қаратилган. Ёнгинга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, ёнгин хавфсизлигига оид норма-қоидалар мавжуд.

Аксиядорлик жамиятида жамоат назорати касаба уюшмаси орқали амалга оширилади, яъни меҳнатни муҳофаза қилиш ва жамоат инспекторлари таркибида ходимларнинг ҳаёт хавфсизлиги таъминланиб борилмоқда.

Мехнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан меҳнат қонунлари, хавфсизлик бўйича норма ва қоидаларни бажариш жараёнлари кузатиб келинмоқда. Хизмат кўрсатиш жиҳозлари ва қурилмаларининг созланганлиги, ишчиларни маҳсус кийим ва шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланганлиги назодарга олинган.

«Samarqand Avtotexxizmat» АЖ ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашни янада яхшилашга қаратилган қўйидаги тавсияларни берамиз:

- корхонада ҳаёт фаолияти хавфсизлигини янада яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш;
- корхона ходимлари томонидан ички тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинишига эришиш;
- ходимларга ёнгин хавфсизлиги ва фавқулотда ҳолатларда ҳаракат қилишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш;
- фавқулотда ҳолатларда фойдаланиладиган хўжалик инвентарларининг будлигини таъминлаш;
- фавқулотда ҳолатларни олдини олиш бўйича масъул ходимларнинг масъулиятини ошириш;
- хизмат кўрсатиш ишчи-ходимларининг фаоллик даражасини доимий равища текшириб бориш;

- ходимлар меҳнатининг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг маъданий дам олишларини янада яхшилаш.

Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши натижасида ходимларнинг ҳаёт хавфсизлиги ва саломатлиги таъминланади деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланиб бормоқда. Шундай хизмат турларидан бири – автосервис хизматларини кўрсатишдир. Автосервис корхоналари орқали юридик ва жисмоний шахсларга турли хилдаги хизматлар кўрсатилади. Ушбу корхоналарнинг фаолияти ички ва ташқи аудитнинг муҳим объектларига киради. “Ички аудитнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш” мавзусида тайётланган магистрлик диссертацияси бўйича қўйидаги хуросалар қилинди ва таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланиб ижобий таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси 55 фоизни ташкил қиласиди. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада давом эттириш, етакчи тармоқларни, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгиланди.

2. Мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу тармоқнинг юқори суръатлар билан ривожланиши натижасида қўшимча иш жойлари барпо этилади, аҳолининг бандлиги таъминланиб, даромадлари янада ошади. Давлат бюджетига келиб тушадиган даромадлар ҳам кўпаяди. Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига банк кредитлари ажратилмоқда, қўшимча имтиёзлар белгиланмоқда.

3. Хизматлар кўрсатиш соҳасида юридик ва жисмоний шахсларга автосервис хизматларини кўрсатиш ҳажми ошиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Тадқиқот объекти бўлган «Samarqand Avtotexxizmat» корхонаси

юридик ва жисмоний шахсларга автомобилларни сотиш, уларга техник хизматларни кўрсатиш билан шуғулланади. Ушбу корхонадаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун 2017 йил 17 январдан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Унинг устав капитали юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларидан ташкил топган.

4. Корхонанинг 2016 йил охиридаги активлари 8118685,0 минг сўмни ташкил қилиб, йил бошидаги кўрсаткичидан 88513,0 минг сўмга қўпайган. Ҳисобот йилида корхона 1169689,0 минг сўм соф фойда олган. Хизматлар таннархи 378245,0 минг сўмга камайиб, давр харажатлари ҳам 708912,0 минг сўмга камайган. «Samarqand Avtotexxizmat» корхонаси юридик шахс сифатида таъминотчилар ва сотиб олувчилар билан ўзаро шартномалар тузиб, низомда белгиланган вазифаларни амалга оширмоқда. Юридик ва жисмоний шахслар билан олиб борилган ҳисоб-китоб жараёнлари корхона бухгалтерияси орқали назорат қилиб борилади. Акциядорлик жамиятида ички аудиторлик хизмати ташкил қилинган. Бухгалтерия ҳисоби БХМС ва ички аудит Низоми талаблари бўйича юритилмоқда.

5. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида ички аудитни ташкил қилиш ва уни амалга оширишда маълум муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- республикамизда ички аудитни ташкил қилиш, объектларни белгилаш ва ички аудитни амалга оширишнинг услубияти илмий жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқилмаган;
- «Samarqand Avtotexxizmat» корхонасида ички аудит бўлимида фақат бир киши фаолият юритмоқда. Аммо, корхонанинг активлари камида иккита ички аудит бўйича штат олиш имкояти мавжуд (корхона активлари 8118685,0 минг сўмдан ортиқ).
- ички аудиторнинг “Иш режаси” умумий мазмунда тузилган. Режада даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар каби муҳим ҳисобланган ички аудит объектлари режага киритилмаган;

- корхонада ички аудитни ташкиллаштириш ва режалаштиришда корхонанинг ҳисоб сиёсатидаги вазифалар, ички назоратнинг ҳолати тўлиқ эътиборга олинмаган.

6. Корхоналарда ички аудиторлик хизматини ташкил қилиш, нисбатан қийин кечмоқда. Ушбу масала ички аудитни ўтказиш, мутахассисларни жалб қилишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Корхоналарда ички аудит ходимларига корхонанинг бевосита аъзоси (ходими) сифатида қаралмоқда. Ваҳоланки, ички аудиторлик хизмати ходимлари ушбу корхонада фаолият юритсаларда, улар факат корхона кузатув кенгашига бўйсинадилар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда ҳўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш, уларга ички аудиторлик хизматини кўрсатишга қаратилган меъёрий-услубий ҳужжатлар тўлалигича шаклланмаган. Ушбу масалалар амалдаги аудиторлик фаолиятига оид қонунда ўз аксини топиши керак деб ҳисоблаймиз.

7. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, меъёрий ҳужжатлар ва маҳсус адабиётларда ички аудитни ўтказиш ва ички аудиторларга сертификат бериш ва ташки аудитга хос бўлган талаблар кўзда тутилган. Ички аудит хизмати аудиторларига қўйилаётган талабларни соддалаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

8. Олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича қўйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- корхонада ички аудит штатини яна 1 тага ошириш (бунинг натижасида ички аудит обьектлари кенгаяди);
- корхонада ички аудитни ташкил қилиш ва унинг обьектларини асослашда автосервис хизматларининг хусусиятлари, кўрсаткичларнинг шаклланишини эътиборга олиш;
- ички аудит режасини ойлар, чораклар ва унинг аниқ обьектлари бўйича тузиш. Биз “Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисобкитобларнинг ички аудитининг намунавий режасини ишлаб чиқдик;

- ички аудитнинг ташқи аудит объектларини белгилашда тутган ўрни асосланди;
- ички аудитнинг ташқи аудит самарадорлигига таъсири аудиторлик таҳлил қилинди;
- ички аудит усулларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берилди.

9. Акциядорлик жамияти ўзининг фаолиятини кенгайтириши, биринчи навбатда мижозларга хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириши, уставда белгиланган бошқа фаолият турларини ҳам олиб бориши керак. Корхона уставида кимошди савдоларини ташкил қилиш, кўчмас мулк ишлари (операциялари) билан шуғулланиш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш ва шу каби бошқа фаолиятлар кўзда тутилган. Амалда эса, асосан юридик ва жисмоний шахсларга автомобилларни сотиш, уларни таъмирлаш билан шуғулланиб келмоқда, холос. Сервис хизматини ошириш ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ушбу жамиятнинг даромадлари ва фойдасининг янада ошишига олиб келади.

10. Аудитор корхонадаги ички назорат билан танишиш ва унга баҳо беришда куйидагиларга эътибор берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- корхонада меъерий-хукукий хужжатларнинг талабларига тўлиқ амал килинаётганлигига;
- моддий жавобгар шахслар фаолиятининг ички назорати ҳолатига;
- корхонада қабул қилинган хукумат қарорларининг тўлақонли бажарилаётганлигига.

11. Аудиторлик текшируви натижасида аниқланган хато-камчиликлар, ички аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд этилади. Ички аудит натижалари умумлаштирилиб ва чораклик ҳисботда ўз аксини топади. Йилнинг ойлар кесимида аниқланган камчиликлар бўйича, уларни бартараф

қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши ички аудит аудитори орқали назоратга олинади.

12. Диссертациясида «Samarqand Avtotexxizmat» корхонасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини яхшилашга қаратилган таклифлар берилди.

13. Магистрлик диссертацияси бўйича Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўtkazilgan respublika ilmий-amalij konferenziyalariда 2016-2017 йиллар давомида иштирок этилди ва 4 ta ilmий iш чоп этилди (хаммуаллифликда). Магистрлик диссертациясидаги таклиф ва тавсиялар «Samarqand Avtotexxizmat» AЖ корхонаси ва аудиторлик ташкилотларида фойдаланилса, ички ва ташқи аудитнинг самарадорлиги ошади деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

I. Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар

1. 1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. 1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Т.: “Ўзбекистон”, 2012 (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 3 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган.-“Халқ сўзи”, 2016 йил 14 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 26 май (кейинги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони: “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” (ПФ-4947-сон).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4725 сонли Фармони. – 2015 йил 15 март.
6. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлмоғи керак/ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи. – Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 сонли қарорига илова: “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом”.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари ва қўмиталарининг меъёрий-хукукий ҳужжатлари

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларига бағишлиланган 2017 йил 14 январдаги мажлиси тўғрисида ахборот. – “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган: "Корхоналардаги ички аудит хизмат туғрисидаги Низом", 2006 йил, 16 октябрь.
10. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корхоналардаги ички аудиторлик хизматини ташкил килиш тўғрисида"ги Низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, 2006 йил 16 октябрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. 1999 йил 5 февраль, №54 (кейинги ўзгаришлар ва кўшимчалар билан).

II. Илмий монография, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

12. Абдуллаев Р. Бухгалтерский учёт и аудит. Учебное пособие. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2010.
13. Арзиқулов Б.Э., Ахмаджанов К.Б., Мусаев Х.Н. и др. Аудит. Учебное пособие. Том I-II. Под ред. профессора М.М.Тулаходжаевой. Т.: ТГЭУ, НАБА Узбекистана, 2003.
14. Аудит.Учебник для вузов. Под ред. проф. В.И.Подольского .-М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2000.
15. Дўстмуродов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, 2003.

16. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: “Молия”, 2003.
17. Тўлахўжаева М.М. Молиявий аҳволнинг аудити. -Т.: "Иқтисодёт ва хуқуқ дунёси", 1996.
18. Тўлахўжаева М.М., Каримов Н.Ф., Ҳайдаров Р.М. Ички аудит. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассатсацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, 2013.
19. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳсоби ва аудит. Маъруза матинлари тўплами. II-қисм, СамИСИ, 2004.
20. Qo'ziyev I., Fayziyev Sh., Aliqulov A. Ixhki audit. O'quv qo'llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”,2015.

III. Илмий мақолалар ва конференция тезислари

21. Мусаев Ҳ.Н., Абдивасиев З. Корхоналарда ички аудитнинг назарий ва методологик масалалари. Республика илмий-амалий конфирнция материаллари: “Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожланиш тенденцияси ва истиқболлари”. - Самарқанд, СамИСИ, 2016 йил 19-20 феврал, IV қисм.
22. Мусаев Ҳ.Н., Абдивасиев З. Ички аудитнинг ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Илмий тавсиялар. – СамИСИ, 2017, 2,8 б.т.
23. Мусаев Ҳ.Н., Абдивасиев З. Ички ва ташқи аудитнинг хусусиятлари ва текшириш самарадорлигига таъсири. Республика илмий-амалий конфирнция материаллари: “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари”. - Самарқанд, СамИСИ, 2017 йил 24-25 феврал, V қисм.
24. Мусаев Ҳ.Н., Абдивасиев З. Ички аудитнинг хусусиятлари, объектлари ва ташкил этилиши. Республика илмий-амалий конфирнция материаллари: “Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг долзарб муомолари ”. - Самарқанд, СамИСИ, 2016 йил 20-21 май.

IV. Интирнет сайтлари:

www.lex.uz
www.stat.uz
www.ziyonet.uz
www.moodle.sies.uz
www.tfi.uz

Магистрант:

Абдивасиев З.

Илмий раҳбар:

и.ф.д., доцент Мусаев X.Н.

ИЛОВАЛАР